25 ДЕК 1991

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 246 (21. 112) 1991 йил 20 декабрь жума

Баҳоси 8 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

● ҚОНДОШЛИКНИНГ УЗИЛМАС РИШТАЛАРИ ● ТУРКИЯ ЎЗБЕКИСТОННИ ТАН ОЛАДИ ● БИЗ ТУРКИЯ ЙЎЛИНИ ТАНЛАДИК ● ТОШКЕНТ — ИСТАНБУЛ — БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР.

МУҲИМ ВОҚЕА

ИСТАНБУЛ, 19 декабрь. (ЎзТАГ махсус мухбири—ТАСС). Истанбул билан Тошкент шаҳарлари биродарлашди. Туркияга расмий ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан Истанбул вилояти губернатори Хайри Кўзакчи ўғли ўртасида ўтган чоршанба куни бўлган учрашув чоғида шу ҳақда бир битимга келинди.

Биродарлик алоқалари ўрнатилишини таклиф қилган Ўзбекистон раҳбари бу тадбир қондош—жондош ўзбек ва турк халқларининг иноқлашишга қўшилган муҳим ҳисса бўлади, деб ишонч билдирди.

Истанбул губернатори олий меҳмонни табриклар экан, Анатолияда яшаётган турклар Ўрта Осиёдаги ватандошларини ҳеч қачон унутмаганликларини ва Ўзбекистон Президентининг ташрифи икки халқ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим тарихий воқеага айланишини таъкидлади. Икки шаҳарда истиқомат қилувчи миллионмиллион кишиларнинг қалбларида Истанбул билан Тошкент аллақачон биродарлашиб кетган, биз шуни расмий тарзда эълон қилишимиз керак эди, холос. Ана шу ишни мамнуният билан бажараяпмиз, деб таъкидлади Х. Кўзакчи ўғли.

Маҳаллий журналистлар И. Каримовнинг худди шу куни кечқурун бу ердаги ҳашаматли ресторанлардан бири—«Бейти» ресторанида ватандошлар билан учрашувини Ўзбекистон Президентининг Истанбулда бўлган вақтидаги энг асосий воқеа деб таъкидладилар.

Учрашувга Истанбул, Бурса, Измир, Анқара, мамлакат бошқа шаҳарларидаги ва ҳатто Германиядаги Ўзбек жамоаларининг намояндалари келишди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистоннинг биринчи Президентини самимий табрикладилар, унинг Туркияга ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим тарихий аҳамиятга молик эканини таъкидладилар, республика мустақил давлат сифатида қарор топишида унга муваффақият тиладилар.

И. А. Каримов жавоб сўзида, жумладан, Ўзбекистон ва собиқ Совет Иттифоқининг мустақил ривожланиш йўлига ўтган бошқа республикалари ҳозир бошидан кечираётган қийинчиликлар ҳақида гапирди. У «Ўзбекистонда иқтисодий ва демократик ислоҳотлар Туркия босиб ўтган йўлдан боришини» таъкидлади. И. А. Каримов беш республиканинг Ашхободда бўлиб ўтган кенгаши аҳамиятини уқтирди. Бу кенгаш уларнинг мустақил давлатлар ҳамдўстлигига бирлашишлари учун ҳақиқий замин яратди. Лекин бу иш кенгаш барча қатнашчиларининг тенг ҳуқуқлилиги асосидагина амалга ошади. Ўзбекистон раҳбари ватандошларни республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш учун Тошкент режалаштирган тадбирларда жуда фаол қатнашишга чақирди ва уларнинг сармоя сарфлашлари ҳамда қўшма корхоналар тузишдаги кучғайратларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ваъда берди. Президент Туркия раҳбарлари билан бўлган ўз учрашувлари ва суҳбатлари натижаларидан жуда мамнун эканлигини билдирди, ташриф якунларига кўра Анқарада имзоланадиган ҳужжатлар икки қардош мамлакат ва икки халқни янада яқинлаштиришнинг пойдевори бўлади, деб таъкидлади.

Чоршанба куни кечқурун Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг аъзолари Анқарага жўнаб кетишди.

ҚАРАШЛАРНИНГ ТЎЛА ЎХШАШЛИГИ

АНҚАРА, 19 декабрь. (ЎзТАГ махсус мухбирлари — ТАСС). Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегациясининг Туркияга ташрифи тугамоқда.

Бугун бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кутиляпти. Икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, шунингдек маданий алоқаларни ривожлантириш, иккала республикада консулхоналар очиш, ҳар томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, Тошкент, Анқара ва Истанбул ўртасида ҳаво йўлини очиш тўғрисидаги битимлар ана шундай ҳужжатлардир.

— Бизни тан олишни ҳоҳлаётган бошқа давлатлар ҳам бор, бироқ аввало Туркия бизни тан олишини истаймиз, — деди И. А. Каримов Туркияга ташрифнинг дастлабки якунларини шарҳлаб. — Икки томонлама муносабатларнинг энг муҳим масалалари юзасидан бизнинг ўртамизда тўла келишув ва қарашларнинг ўхшашлиги мавжуд. Ташрифдан сўнг Туркия билан тағин ҳам мустаҳкам дўстлик муносабатлари ўрнатмоқчимиз. Туркия вакиллари учун чегараларимиз ҳамиша очиқ бўлади. Туркиянинг тараққиёт йўли биз учун ҳам намуна бўлиб қолади.

Туркия Ўзбекистонни тан олди, буни ўзбек халқи зўр мамнуният билан кутиб олди. Эндиликда муносабатларимиз тағин ҳам мустаҳкамроқ бўлишига ишонаман. Туркия 10 йилдан буён амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгартишларни биз ҳам амалга оширишни хоҳлаймиз, бу масалада Туркиянинг ҳар томонлама мададига умид қиламиз. Ўзбекистон Туркия йўлидан боради, биз ўзимиз учун йўлни танлаб олганлигимизни ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаслигимизни ҳамма билиб олиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ серқуёш диёр делегацияси Туркия Жумҳурияти бўйлаб сафарини тамомлади.

Ўзбекистонлик биродарларнинг Туркия тупроғидаги ҳаяжонли учрашувлари тўрт кун давом этди. Мустафо Камол Отатурк ватанига ташриф буюрган Ўзбекистоннинг олтмиш вакили тўрт кун давомида Туркиянинг Анқара, Измир, Истанбул каби шаҳарлари, дунёга машҳур дорилфунунлари, олий ўқув юртларининг зиёлилари ва талабалари, Измирдаги ип-газлама комбинати тўқимачилари ҳаёти ва «Опель» автомобиль заводи фаолияти, Истанбулнинг ноёб тарихий обидалари, жаҳонга машҳур Тўпқопи бозори ва оқкўнгил кишилари билан танишдилар.

Ўзбекистонлик зиёратчилар республикамиз Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортганда, Камол Отатурк мавзолей-мақбарасига гулчамбар қўйилаётганда, Туркия Жумҳурияти Президенти Турғут Ўзол, бош вазир Сулаймон Демирэл жаноблар билан бўлиб ўтган расмий музокаралар ва самимий суҳбатларда Ўзбекистон билан Туркия халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарининг нақадар теранлиги яққол намоён бўлди.

Улуғ бобокалонларимиз Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи боғлаб берган бу ришталарни Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдуҳамид Чўлпонлар давом эттирган эдилар. Бугунги кунда икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг Туркия ва Ўзбекистоннинг ҳозирги авлодлари давом эттирмоқдалар.

Туркиянинг оммавий ахборот воситалари, айниқса, Анқара ва Истанбулда чиқадиган рўзномалар Ўзбекистон вакилларининг Туркияга ташрифини кўзга кўринарли жойларда босиб чиқардилар ва мунтазам ёритиб бордилар. Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамоат арбоблари расмий сафар билан Анқарага ташриф буюрган кунлари Туркиянинг Буюк Миллат Мажлиси навбатдаги кенгашига тўпланган эди. Халқ ноиблари кенгашда ўз мустақиллигини эълон қилган Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларини таниш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Шу муносабат билан Туркиядаги энг нуфузли газеталардан бири — «Миллиет» рўзномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сафари ҳақидаги хабарни йирик ҳарфлар билан терилган «Ўзбекистонни ҳам таниймиз» деган сарлавҳа остида берди. «Тержуман», «Ҳурриет», «Жумҳуриет», «Сабаҳ», «Дуня», «Гунойдин» рўзномалари ҳам Ўзбекистон намояндаларининг ташрифини, Туркия диёридаги дўстона мулоқотларни алоҳида эътибор билан ёритиб бордилар. Туркия телевидение ва радиоси учрашувлар ҳамда музокаларнинг боришидан аҳолини мунтазам хабардор қилиб турдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Жумҳурияти бош вазири билан суҳбат чоғида Демирэл жаноблари қизғин табриклади. Сиз бош вазир бўлиб сайланганингиздан, — деди Ислом Каримов. — тақдир фақат турк халқигагина эмас, бизларга ҳам кулиб боқди. Биз Ўзбекистонни мустақил Республика деб эълон қилдик. Мустақиллик йўли эса оғир синовлар орқали ўтадиган йўлдир. Биз буни яхши биламиз. Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида қарор қабул қилганимиздан сўнг олдимизда тўрт йўл пайдо бўлди. Шу йўллар ичида биз Туркия йўлини танладик. Чунки бу йўл ҳам маъқул, ҳам Ўзбекистон халқлари манфаатлари, урф-одатларига ва имкониятларига мос бўлиб тушади.

Ўзбекистон намояндалари Туркияга сафарнинг сўнгги босқичида Истанбул шаҳрида айниқса қизғин кутиб олинди. Истанбулнинг ўзи жуда қадимий, чинакамига мўъжиза шаҳар. Ўзбекистонлик меҳмонлар шаҳарнинг ноёб ёдгорликларини, мовий гумбазли Аё София, Султон Аҳмад жоме-масжидларини, диққатга сазовор жойларини мароқ билан тамоша қилдилар.

Истанбул шаҳри ҳокими девонхонасида меҳмонлар шарафига ўтказилган учрашув ва зиёфат жуда чиройли, амалий бир тусда ўтди. Шаҳар ҳокими Хайри Қозоқчи жанобларининг дил сўзлари Тошкентдан келган меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди. Шу учрашувда Тошкент билан Истанбул биродарлашган шаҳарлар деб эълон қилинди. Ўзаро алоқаларни тиклаш ва тажрибалар алмашиш ҳақида шартнома имзоланди. Измир билан Самарқанд ва Бухоро ўртасида ҳам шундай алоқалар боғлашга келишиб олинди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» УЧУН РАСУЛ РАҲМОНОВ ИСТАНБУЛДАН ХАБАР БЕРАДИ

ТАРИХИЙ ТЎРТ КУН

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ Ўзбекистон вакилларининг Туркия Жумҳуриятига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Туркияда ўтган тўрт кун ўзбек ва турк халқлари тарихига ёрқин саҳифа бўлиб ёзилажак. Зеро, шу тўрт кунда икки қардош халқ, икки қондош мамлакат бир-бирини қайтадан топгандай бўлди. Муҳтарам Ислом Каримов Туркия раҳбарлари билан учрашувда таъкидлаганидек, бу кунлар тарихий кунлар бўлиб қолгусидир. Иншооллоҳ, Ўзбекистоннинг халқаро майдонга чиқиши шу кунлардан бошланса ажабмас!

ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ ҲУКУМАТЛАРИ ЎРТАСИДА 1992 ЙИЛДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ

БИТИМ

Туркманистон ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (қуйида улар томонлар деб юритилади) уларнинг ўртасида қарор топган анъанавий иқтисодий ва маданий алоқаларга асосланиб ҳамда республикалар халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ва муқим ишлашини таъминлаш мақсадида тенг ҳуқуқлилик ва иқтисодий ўзаро манфаатдорлик негизида савдо ҳамкорлигини янада ривожлантириш муддаоларини тасдиқлаб, 1992 йилда бир-бирларига маҳсулот етказиб бериш хусусида ушбу савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тузишдилар.

1-модда

Томонлар 1992 йилда республикалар ўртасида ўзаро манфаатли тенг асосда маҳсулотлар ва молларнинг энг муҳим турларини етказиб бериш томонларнинг давлат буюртмаларига киритиладиган турларда ва ҳажмда амалга оширилади, деб келишиб олдилар.

Томонлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва молларни ўзаро етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришга кўмаклашаверадилар.

2-модда.

Томонлар иқтисодий алоқалар асосан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, хўжалик ва давлат бошқаруви ҳудудий ҳамда ўзга доралари ўртасида уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилишига рози бўлдилар.

Томонлар корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида хом ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли молларини ўзаро етказиб беришга доир бевосита хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш, бундай алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтиришга кўмаклашадилар.

Томонлар бошқа республикага иқтисодий зарар етказувчи ҳаракатлардан тийиладилар.

Томонлар тегишли бошқарув идоралари орқали маҳсулотларнинг ўзаро келишилган энг муҳим турлари рўйхатига киритилмаган маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш тўғрисида шартнома тузиш устидан назорат ўрнатишга келишдилар.

3-модда

Томонлар нарх сиёсатини мувофиқлаштириш чораларини кўриш мажбуриятини оладилар ва ўзаро манфаатларга дахлдор бўлган нарх белгилаш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказишга аҳдлашиб олдилар. 1992 йилдан бошлаб иккала республика корхоналари ва ташкилотлари етказиб берган маҳсулотлар (бажарилган ишлар ва хизматлар) учун сўм билан қайд этилган, бошқариладиган ва шартнома нархларида ҳисобкитоб қиладилар ҳамда монополиячи корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот нархларини бошқаришга доир ҳаракатларни мувофиқлаштириб турадилар.

4-модда

Томонлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва молларни 1990 йил даражасидан кам бўлмаган ҳажмда етказиб бериш ҳамда кооперациялашган маҳсулот етказиб беришга доир таркиб топган алоқаларни сақлаб қолиш учун шартномалар тузишда амалий ёрдам беришни республикаларнинг тегишли бошқарув органларига топширишга қарор қилдилар.

5-модда.

Томонлар иккала республика транспорт воситаларининг ўз ҳудудларидан ўтишининг амалдаги тартибини сақлаб қолишга ва ўзаро маҳсулот етказиб бериш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун барча турдаги транспорт ишларини мувофиқлаштириб туришни таъминлашга шунингдек транзит юк операцияларини, шу жумладан экспорт юк операцияларини ҳамда ўзларининг маъмурий ҳудудларида жойлашган транспорт коммуникацияларидан орқали газ ва электр ўтказишни таъминлашга, уларга бож солиғи солмасликка келишиб олдилар.

6-модда.

Республикалар халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришнинг йирик маҳаллий муаммоларини ҳал қилишда иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида томонлар 1992 йилдан бошлаб улушбай асосида «Сейди — Тахиатош» ЛЕП — 500 юқори кучланишли электр линияси, «Тежен-Серахс» темир йўлини биргаликда қуриш, Красноводск денгиз портини янгилаш тўғрисида келишиб олдилар.

7-модда

Томонлар давлат ҳисоб идоралари орқали маҳсулот етказиб бериш қандай бораётганлиги ҳақида йилнинг ҳар чорагида ҳисобот тайёрлаш ва маълумотларни ўзаро айирбош қилишга, зарур ҳолларда маҳсулот етказиб берувчиларнинг манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириш учун жазо чораларини ёки иқтисодий рағбатлантиришни қўллашга рози бўлдилар.

8-модда.

Фан ва техника масалаларида, қўшма корхоналарни, илмий тадқиқотларни ташкил этишда, илмий-техникавий ҳужжатларни айирбош қилишда томонлар бир-бирига ёрдам берадилар, маслаҳатлашувлар, конференциялар, кўргазмалар, ярмаркалар уюштиришда кўмаклашадилар. Аҳдлашувчи томонлар савдо, иқтисодиёт, молия соҳасидаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда томонларнинг ҳамкорлиги билан боғлиқ ўзга ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотларни ўзаро алмаштирадилар.

9-модда.

Томонлар келгуси йилга ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмини ва унинг хилларини бундай маҳсулот етказиб беришни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, ҳар йили келишилган муддатларда кўриб чиқиш ва тасдиқлашга аҳдлашиб олдилар. Ушбу битимни бажариш чоғида пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳукумат комиссиялари даражасида икки томонлама музокара олиб бориш йўли билан ҳал қиладилар, шунингдек бундай масалалар жавобгар жойлашган ердаги ҳакамлик идоралари томонидан ҳал қилинади.

10-модда.

Томонлар республикаларнинг вазирликлари, комитетлари, маҳкамалари ва хўжалик субъектлари ўртасида шартномалар тузишни ҳамда ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли бошқа йўналишларига доир протоколларни имзолашни 1992 йил 1 январга қадар тугаллаш зарур, деб ҳисоблайдилар.

11-модда.

Ушбу битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Битим туркман, ўзбек ва рус тилларида икки нусхадан тайёрланган.

1991 йил 17 декабрда Ашхободда тузилган барча матнлар бир хил кучга эгадир.

Туркманистон ҳукумати номидан
Туркманистон ҳукумати бошлиғининг ўринбосари
В. ОТЧЕРЦОВ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари
Т. ШАРИПОВ

Эшитмадим деманглар

РЕСПУБЛИКАДА

БОСМАДАН ЧИКДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Республика референдуми ўтказиладиган кунга тайёргарлик ишлари жадал давом этмоқда. Бу соҳада яна бир янгилик—Президентликка номзодлар И. А. Каримов ва С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) таржимаи ҳоллари, уларнинг дастурлари баёни ҳамда ҳар иккала номзоднинг фотосуратлари акс эттирилган плакат босмадан чиқди. Уни «Ўзбекистон» нашриётн нашрга тайёрлаган, «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси чоп этган.

САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

● **Намангандаги собиқ вилоят партия комитетининг биноси «Оналар саломатлигини муҳофаза қилиш вилоят маркази»га берилди.**

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бу масканни замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва малакали врачлар билан таъминлаш ишига алоҳида аҳамият беряпти.

Айниқса, Япония, Германия, Венгрия каби ҳорижий давлатлардан келтирилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари тугалланиш арафасида.

Вилоят ижроия комитетининг оналарга бу ғамхўрлигини барча мамнуният билан қарши олди. Зеро, оналарга ғамхўрлик қилиш, келажак авлод саломатлигини муҳофаза этиш демакдир.

Дарҳақиқат, вилоятда экологик аҳволнинг танглиги оналар ва болалар саломатлигига жиддий хавф солаётир. Эндиликда бу тиббий марказда камқонлик, сариқ касаллиги ва бошқа хасталикка чалинган оналар шифо топадилар. Тез кунда шифо маскани дастлабки беморларни қабул қила бошлайди.

ЧИН ИНСОН ХОТИРАСИГА

● **АНДИЖОН. Вилоят меҳнаткашлари Қирғизистон Республикаси бош вазири Насриддин Исановни яхши билишарди.**

У ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничиликни мустаҳкамлашдек ишга муносиб ҳисса қўшиб келди. Унинг ғожиали ўлими тўғрисидаги хабар меҳнаткашлар қалбини ларзага солди.

Жалолқудуқ районидаги Ильич номли давлат хўжалиги жамоаси, халқ депутатлари Жалолқудуқ район кенгаши ва Андижон вилоят кенгаши ижроия комитетлари қардош халқ фарзанди хотирасини абадийлаштириш мақсадида хўжалик номини ўзгартириб, унга Насриддин Исанов номини беришга қарор қилдилар.

МАМЛАКАТДА

ҲАМКОРЛИК ИЎЛИДА

● **АШХОБОД. Бу ерда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикаларо маслаҳат кенгаши ўз ишини тамомлади.**

Давлатларо иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришга доир ҳужжатлар имзоланди. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистон раҳбарлари ўртасидаги битимга мувофиқ Тежен-Серахс темир йўли қурилишига оид иқтисодий ҳамкорлик, уни маблағ ва моддий техникавий жиҳатдан таъминлаш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Беш давлат бошлиқларининг мухтор вакиллари республикаларо маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлашди.

МУСТАҚИЛЛИК ТАН ОЛИНДИ

● **МОСКВА. Россия ҳукумати Молдова республикаси мустақиллигини тан олганлигини маълум қилди.**

Президент Борис Ельцин расмий баёнотни имзолади. Унда таъкидланишича, Россия Молдова билан кенг қамровли икки томонлама шартнома асосида давлатларо муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришга тайёр. Айни чоғда дипломатия муносабатлари ўрнатишга Россиянинг тайёр эканлиги кўрсатиб ўтилди.

ПРЕЗИДЕНТ АХБОРОТИ

● **БИШКЕК. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев республика Олий Кенгаши сессиясида нутқ сўзлади.**

У АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер билан ўз учрашуви якунлари тўғрисида ахборот берди. Учрашув чоғида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

БИРЛАШИШГА ТАКЛИФ

● **КИШИНЕВ. Беловежск битими қатнашчилари бўлган уч республика вакиллари Днестр бўйидаги Дубоссари шаҳрига жўнаб кетдилар.**

Бу ерда ўтган ҳафтада Молдова полицияси билан Молдова парламенти тан олмаган Днестр бўйи республикаси гвардиячилари ўртасида тўқнашувлар рўй берганди.

Беларусь, Россия ва Украина кузатувчиларини Молдова президенти Мирча Снегур ҳозир можаро рўй берган районда республика бош вазири ўринбосари Андрей Сангели раҳбарлигида ишлаётган қўшма ярашқ комиссиясига бирлашишни таклиф қилганди.

ХОРИЖДА

ТАШРИФ ОЛДИДАН

● **Италия телевиденнесининг биринчи дастури Россия президенти Борис Ельцининг интервьюсини кўрсатди.**

Россия президенти Италияга расмий ташриф буюради. У мамлакатда рўй бераётган жараёнларга тўхталиб ўтади.

ХИТОИДА БИРИНЧИ

● **ПЕКИН. Хитой Халқ Республикаси оммавий ахборот воситалари мамлакатда янги атом электростанцияси фойдаланишга топширилганлигини кенг шарҳламоқдалар.**

Станция қуввати 300 минг киловатт-соатга тенг. У Ханчжоувань кўрфази соҳилига жойлашган. У ҳар йили Шарқий Хитой бирлашган энергетика тармоғига 1,5 миллиард киловатт энергия бериши керак.

Станция Хитойнинг ўзида лойиҳалаштирилганлиги ва қурилганлигини матбуот алоҳида таъкидламоқда.

35 МАМЛАКАТДА

● **АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер сўнги уч йил мобайнида 943.478 километр масофага тенг келадиган йўлни босиб ўтган.**

Ҳисоб-китобларга қараганда давлат котиби шу йилнинг ўзида 35 мамлакатга ташриф буюрди.

(«Ўзбекистон овози», ЎзТАГ, ТАСС ва марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

Эшитмадим деманглар

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

АРАФАДАГИ ЎЙЛАР

Т. ҲИДИРОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси.

КАТТА тарихий воқеалар арафасида яшаяпмиз. Шу йил 29 декабрда халқимиз илк бор Ўзбекистон мустақиллиги ва унинг Президенти учун умумхалқ овоз беришида иштирок этади.

Бир-бири билан боғлиқ бўлган бу икки воқеа ҳар бир фуқародан ниҳоятда катта масъулиятни, мулоҳаза билан иш тутишни талаб қилади. Зеро Президент учун овоз бериш айни пайтда эртанги кунимиз, келажагимиз, миллий равнақимиз, шаънимиз, тинчлигимиз, осойишталигимиз учун овоз беришдир. Давлатимиз мустақиллиги учун овоз бериш эса асрлар оша ота-боболаримиз юрагида тугилиб келган орзу-армонларнинг ушалишидир. Буни эртанги кунга умид, ишонч билан яшаётган, фаровон истиқболдан умидвор бўлган ҳеч бир киши унутмаслиги зарур.

И. А. Каримовнинг Президентликка номзод қилиб кўрсатилганлигини жумҳуриятимизнинг аксарият меҳнаткашлари қатори воҳамиз аҳли ҳам мамнуният билан кутиб олди. Вилоят меҳнат жамоаларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда И. А. Каримовнинг номзоди тўла қўллаб-қувватланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимиз Ислом Абдуғаниевични яхши билади ва чуқур ҳурмат қилади. Чунки у Қашқадарёда ишлаган йилларида ўзининг ишчанлиги, билимдонлиги, ҳар қандай масъулиятни ўз зиммасига олиши, холислиги, талабчан ва журъатли раҳбарлиги билан халқнинг кўнглига йўл топа олди. Вилоятимизда кейинги йилларда эришилган ютуқлар, воҳамиз иқтисодиётининг юксалиши унинг вилоятимиздаги раҳбарлик фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Мен Ислом Абдуғаниевич билан район партия комитетининг биринчи котиби, сўнгра вилоят партия комитетининг қишлоқ хўжалиги соҳаси билан шуғулланувчи котиби сифатида ёнма-ён туриб бирга ишлаганман. Шу боисдан Президентликка номзоднинг раҳбарлик фаолияти, иш услуби, характери, инсоний фазилатларидан яхши хабардорман.

И. А. Каримов вилоятимизга раҳбар бўлиб ишга келган пайтда аҳвол ниҳоятда мураккаб эди. «Ўзбеклар иши» деб аталмиш қатағонлар авжга минган, воҳамиздан кўплаб кадрлар жавобгарликка тортилганди. Раҳбарларнинг ҳам, оддий меҳнаткашларнинг ҳам эртанги кунга ишончи сўниб қўли ишдан совиб қолганди. Бу халқ хўжалигининг барча соҳаларига жуда катта салбий таъсир кўрсатиб, вилоят иқтисодиётини боши берк кўчага киритиб қўйган, порокандачиликни келтириб чиқарганди.

Айниқса воҳа қишлоқ хўжалигининг асосий даромад манбаи пахтачилик иқтисодиётига юз тутди. Жами ҳосил 354 минг тоннага тушиб қолди. Чорвачиликда аҳвол бундан ҳам оғир эди. Чунки 103 минг бошдан ортиқ чорва моллари баъзи бир раҳбарларнинг узоқни кўра билмасликлари натижасида ем-хашак етишмаслиги баҳонасида бошқа вилоятларга сув текинга бериб юборилган, жун, қимматбаҳо қоракўл тери етиштиришга ихтисослаштирилган чорвадор хўжаликлар эса тугатилганди. Мана шундай шароитда меҳнаткашларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш, ғоят қийин кечиши ҳаммага аён эди.

Ислом Абдуғаниевич раҳбар бўлиб иш бошлаган биринчи кунларданоқ халқнинг кўнглини кўтарди, эл билан мутахассислару оқсоқолларимиз билан бамаслаҳат иш тутди. Воҳамизнинг маҳаллий шарт-шароитини, одамларнинг дардини, халқ хўжалигидаги муаммоларни синчиклаб ўрганди. Ўша йиллари Ислом Каримов раҳбарлик фаолиятидаги тўртта асосий йўналишни илғаб олиш қийин эмасди. Булар — иқтисодий соҳани юксалтириш, маҳаллий кадрлар билан ишлаш, халқни маънавий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, қайта ишлаш саноатини барпо этишдан иборатдир.

ДАСТЛАБКИ пайтларданоқ иқтисодий соҳада қатор ўзгаришлар қилинди, меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакллари — ижара пудрати, бригада пудрати ва бошқа усуллар дадиллик билан жорий этилди. Хўжаликка раҳбарлик қилишнинг оқилона йўллари шакллантирилди.

Шахсий хўжаликларни ривожлантиришга эътибор кучайди. Одамларда иқтисодга қизиқиш, иқтисодий билимларни эгаллашга интилиш пайдо бўлди. Зарар кўриб ишлайдиган хўжаликларнинг аҳволи ўрганиб чиқилиб, уларни рентабелли жамоаларга айлантириш чоратадбирлари кўрилди. Илгариги раҳбарлар пайтида тугатиб юборилган қатор чорвадор хўжаликлар, ташкилотлар қайта тикланди.

И. А. Каримов раҳбарлик қилган йилларда вилоятда пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ерда 14,3 центнердан 22,6 центнерга кўпайди. Қишлоқ хўжалиги 1986 йилда 40 миллион сўм зарар кўрган бўлса, 1989 йилда 186 миллион сўм фойда олинди. Халқ хўжалигида фойда олиш 163 миллион сўмдан 540 миллион сўмга етди. 1989 йилда вилоятда биринчи марта жабр кўрганларнинг 70 — 80 нафар оила аъзоларини,, қариндош-уруғларини қабул қиларди. Жабрдийда одамлар И. А. Каримов ҳузурига умид билан келиб, кўнгилларига юпанч, дардларига малҳам, ўнлаб ечилмаган саволларига жавоб олиб қайтишарди. Халқнинг юксак ишончи ва умиди унга куч-қувват, ўзи олиб бораётган сиёсатга ишонч бағишлади.

У бўш вақти бўлди дегунча воҳанинг чекка қишлоқларига, одамлар ҳузурига йўл олар, жойлардаги муаммоларни, халқнинг турмушини ўз кўзи билан кўрар, бошқа раҳбарлардан ҳам кўпроқ халқ ҳузурида бўлишни талаб этарди.

Айниқса Бухоро ва Қашқадарё вилоятларини бирлаштириш ҳақидаги гап-сўзлар кечагидай эсимизда. Ўшанда халқда вилоятимизнинг алоҳида қолишига ишонч умуман йўқолган эди. Ислом Каримов таътилдан қайтгач, бу икки вилоятнинг қўшилиши мутлақо нотўғри бўлишини билимдон иқтисодчи сифатида исботлаб берди. Шундан сўнг ортиқча гап-сўзларга чек қўйилди.

Унинг шахсий ташаббуси билан Қашқадарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришга оид ўндан ортиқ мақсадли комплекс дастурлар ишлаб чиқилди. Бу дастурни тайёрлаш пайтида барча соҳаларнинг мутахассислари билан маслаҳатлашилди, имкониятлар ҳисоб-китоб қилинди.

Ана шу дастурларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши сабабли халқ маорифи, медицина, қурилишни ривожлантириш, қайта ишлаш саноатини барпо этиш, қишлоқларни ободонлаштириш йўлида олдинга томон жиддий силжиш бўлди. Қарши шаҳри ва районлар марказларида ўнлаб маданий-маиший биноларнинг, истироҳат боғлари ва ҳиёбонлар барпо этилди.

ИСЛОМ Каримовнинг республикага раҳбарлик фаолиятини унинг Қашқадарё вилоятидаги раҳбарлик фаолиятининг узвий давоми дейиш мумкин. Чунки у бу ерда ишлаб турган пайтидаёқ меҳнаткашларга ер бериш, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ташаббуси билан чиққан ва буни амалга ошира бошлаган эди. Юқорида таъкидлаб ўтилган мақсадли комплекс дастурларда эндигина куртаклари кўрина бошлаган тадбирлар пировардида республика аҳолисининг барча гуруҳларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш мажмуини ташкил этган, кўп болали оналарга, ногиронларга, фахрийларга, камқонли оналарга ёрдам кўрсатиш, бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш, медицина, халқ маорифи ходимларининг ойлик иш ҳақларини ошириш, коммунал уй-жойларни шахсий мулк сифатида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, байналмилал жангчилар ва ўқитувчиларга бепул бериш, шахсий хўжаликларга мол, парранда, ем-хашак бериш ва бошқа масалаларда чиқарган Президент Фармонларида ўз аксини топди.

Булар Ислом Абдуғаниевичнинг узоқни кўра билиши, бозор иқтисодиёти шароитида одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлигини анча илгари пайқаганлигидан далолат беради.

Президентимиз «ўзбеклар иши»га қарши ўзи вилоятда бошлаган ишларини республика миқиёсида бутун миллатни ҳимоя қилиш, унинг эзилган, топталган қадр-қимматини тиклаш, қора чапланган номини оқлаш сифатида давом эттирди ва бунинг уддасидан чиқа олди.

Бундан атиги бир неча йил бурунги воқеаларни эслайлик. Марказий матбуот нашрларининг «ўзбеклар иши» кампаниясини авж олдирганлиги туфайли биз четга чиқсак, тилимиз қисиқ бўлиб қолганди. Ўша пайтларда ишлаган раҳбарлардан бирортаси «Эй, биродарлар, ахир бутун бир халқ ҳам жиноятчи бўлиши мумкинми?» дея олмади. Бунинг устига улар ўзларидан олдин ўтган раҳбарларнинг ортидан тош отиш билан овора бўлдилар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари давлат раҳбарларининг куни кеча Ашхободда бўлган учрашувида ҳам республикамиз Президенти жуда оқиллик билан иш тутди. Бу учрашувда мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга доир саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги фақат тенг ҳуқуқли негизда тузилиши лозимлиги ҳақидаги келишувга асос яратилдики, бу шу ҳудуддаги барча халқларнинг фикр-хоҳишини ўзида тўла ифодалади. Биз шу йўналишдаги ўзаро битимларни қўллаб-қувватлаймиз.

Шунинг учун ҳам ҳар бир холис ниятли киши республика Президенти сайловларида албатта Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодига, Ўзбекистон давлати мустақиллигига овоз беради, деб ишонаман.

Яхши ният учун овоз берадилар

Косонсой районида Ўзбекистон Президенти сайлови ва республика референдуми кунига қизғин тайёргарлик кетяпти. Районда 25 та сайлов участкаси ташкил этилган. Сайловчилар рўйхати осиб қўйилган. Агитаторлар суҳбат ўтказадиган кунлар белгиланган. Улар сайловчиларнинг участкага келишини кутиб ўтирмай, маҳаллаларга бориб кишилар билан суҳбат ўтказмоқдалар. Район кенгаши раиси муовини Ғайбулла Орипов билан Қўқимбой, Комунна, Тагижар, Шарқ юлдузи сайлов участкаларида бўлдик. Шу куни Коммунизм қишлоғида митинг ўтказиш режалаштирилган экан, биз ҳам иштирок этдик. Митингга Чуст кўча, Яллама ва қўшни маҳаллалардан одамлар йиғилди.

— Мен ўн фарзандни тарбиялаб вояга етказдим, — деди сўзга чиққан пенсионер, Қаҳрамон она Марзия Қодирова. — Ҳозир ғоят қийин шароитларда яшаяпмиз. Шундай пайтда республикамиз Президенти И. А. Каримов биз сингари оддий одамларга кўп яхшиликлар қиляпти. Кўп болали оналарга, мактаб ўқитувчиларига имтиёзлар яратилгани ҳаммамизга мадад бўляпти. Мен у кишининг дастурини синчиклаб ўқиб чиқдим. Нияти яхши — халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш. Унинг ўз сўзи устидан чиқишига ишончим комил. Шунинг учун И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлайман.

— Кейинги бир йилда республикамизда жуда кўп ўзгаришлар рўй берди. Ана шулардан энг муҳими — жумҳуриятимиз мустақил бўлиб, ўз тилимизга, динимизга, йўқолиб кетган тарихимизга эга бўлганимиз. Буларнинг ҳаммаси И. А. Каримов туфайли содир бўлди десам янглишмайман. Мен ҳамқишлоқларимни Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақираман.

Митинг қатнашчиларининг фикри бир жойдан чиқди. Улар колхозчими, зиёлими, пенсионерми, ким бўлмасин, тинчлик ва тўкинлик учун овоз беришини ва фақат И. А. Каримовгина бу ишларнинг уддасидан чиқишини таъкидладилар.

Наманган вилоятида шу кунга қадар И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлаб мингдан кўпроқ йиғилиш бўлиб ўтди. Уларда 130 мингга яқин киши иштирок этди. Бундай йиғилишлар ва митинглар давом этмоқда.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ТАЛАБЛАР ДАВРИ

Ўзбекистон хавфсизлик органлари ходимлари жуда мураккаб бир шароитда ишламоқдалар. Халқларимиз биргаликда ҳамқор бўлиб яшайдиларми ёки миллий хонадонларга бўлиниб кетиб, иқтисодий тангликдан ўз ҳолича чиқадиларми? Бироқ қандай ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз бермасин республика хавфсизлик органлари ходимлари ўз халқлари билан доимо бирга бўлишни ўз бурчлари, деб ҳисоблайдилар. Улар халқимизнинг барча ташвишлари, қувонч ва ғалабаларига шерик бўлиш ниятидалар.

Ўтган ўн йилликлар мобайнида хавфсизлик органларининг бир неча авлоди ўрин алмашди. Албатта, уларнинг ҳар бири тарих саҳифаларида, шунингдек, Афғонистоннинг оловли йўлларида ўз изларини қолдирдилар. Ўрта Осиёда дастлабки чекист органлари ташкилотчиларидан А. С. Сидоров, Х. Ўстабоев, И. П. Фрменко, Х. Ҳусанбоев, Я. Х. Петерс, А. Бобожонов кабиларнинг номларини унутиш мумкин эмас. Баҳром Иброҳимов, Шариф Ширинбоев, Илёс Фозилов, Каримжон Убайдуллаев ва бошқа ўзбекистонлик разведкачилар номи халқимиз хотирасида бир умр сақланади. Улар Улуғ Ватан уруши йилларида Она-Ватанимиздан узоқда мураккаб шароитларда ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб, душманнинг мақсад ва ўйларини аниқладилар ва ғалаба соатини тезлаштиришга катта ҳисса қўшдилар.

Ҳозирги кунда хавфсизлик органлари фаолияти тўғрисида турлича қараш ва фикрлар, ҳис-ҳаяжонлар авж олмоқда. Айрим тоифа кишилар чекистлар тимсолида маънавий софликни, душманларга нисбатан муросасизликни, ҳушёрлик ва фидокорликни кўрадилар. Бошқалар эса адолатсизлик, шафқатсизлик, зўравонлик ҳукмрон бўлган даврдаги салбий воқеаларга шаъма қиладилар.

Ҳақиқатан ҳам 30-йилларда давлат хавфсизлик органлари фаолияти маълум даражада бўлиниб кетган эди. У кўпроқ Сталин шахсини тасдиқлашга хизмат этарди. Совет кишиларининг маълум қисмини террор қилиш қуролига айлантирилганди. Лекин шуни унутмаслик керакки, чекистлардан 20 минг киши ана шу ҳақсизликнинг дастлабки қурбони бўлдилар. Улар ўз халқларини қатағон қилиш тўғрисидаги қонунсиз буйруқларни ижро этишга қарши курашган эдилар.

Адолат нуқтаи назаридан шуни ҳам айтиш керакки, республикамизда кейинги ўттиз йил мобайнида бошқача фикрлагани учун жиноий жавобгарликка биронта киши тортилгани йўқ.

Давлат хавфсизлик органлари ўз фаолияти тарихи мобайнида давлатимиз ўз тараққиётининг турли даврларида ҳал этган масалалар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга ҳисса қўшди.

Республикамиз мустақиллиги ва суверенитети эълон қилиниши ҳозирги замон хавфсизлик органлари фаолиятининг мақсад ва мазмуни тубдан ўзгаришига олиб келди. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлик комитети ихчамлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ташкил этилди. Унинг олдига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини, конституцион тузумини, чегараларимиз дахлсизлиги, иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа қудратини ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш вазифаси қўйилди.

Ҳозирги кунда бу ташкилотда давлат Хавфсизлик комитетининг эски тузилмаларини қайта қуришдек мураккаб жараён давом этмоқда. Разведка, контрразведка ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ бўлмаган бошқарма ва бўлимлар тугатилмоқда. Бу хизмат фаолияти, унинг кадрлари, куч ва воситалари моддий-техникавий ва молиявий таъминланиши, унинг олдида турган вазифаларга тўла мос келиши билан боғлиқ бўлган ташкилий масалалар ҳал этилмоқда. Бу вазифаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига жиддий риоя қилинади ва кўп миллатли халқимиз ёрдамига таянилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати жамоатчилик билан алоқалар маркази.

ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА

Қадрли ўртоқлар! 29 декабрда кўп миллатли халқимиз тарихида биринчи марта халқимиз ўз Президентини сайлайди ҳамда Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисида Референдум ўтказилади. Бу воқеа собиқ СССР тарқаб кетаётган, иқтисодий инқироз тобора чуқурлашаётган, аҳолининг яшаш даражаси ёмонлашиб бораётган мураккаб бир шароитда ва шу билан Ўзбекистон тарихида халқимизнинг тақдири, келажаги ҳал бўлаётган муҳим бир даврда ўтмоқда.

Президентликка номзод И. А. Каримов Ўзбекистоннинг барча фуқароларига қилган Мурожаатида жамиятимизда чуқур ўзгаришлар — республиканинг барча фуқароларини, уларнинг миллати, эътиқоди ва сиёсий қарашларидан қатъий назар муносиб ҳаёт тарзини таъминлашга қаратилган, тараққиётнинг барча ютуқларидан фойдаланиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб берадиган миллий, демократик давлат қурилиши дастурини илгари сурди. Бу дастур бугунги куннинг реал шароитини, янги бозор муносабатларига ўтиш қийинчиликларини ҳисобга олиб тузилган. Бунинг жуда мураккаб вазифа эканлиги ва уни қисқа вақтда амалга ошириб бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан. Лекин бу иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш, халқни янада маънавий қашшоқлашишини, маданий таназзулга юз тутишини бартараф этувчи ягона тўғри йўлдир. Бу йўл республика фуқароларининг барча интилишлари, куч-қувватлари, фидокорона меҳнатини мужассамлаштиришни тақозо қилади. Бошқа йўлнинг ўзи йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Республикамизнинг истиқболини ўйлаб биз барча олий ўқув юртларининг ректорлари, профессор-ўқитувчилар жамоаси, талаба-ёшларимизнинг ўз фуқаролик бурчларини адо этиб, Референдумда фаол қатнашишга даъват этамиз. Сизларнинг Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун «ҲА» деб жавоб беришларингиз жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини демократиялаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш, ривожланган мамлакатлар орасида республикамизнинг мустаҳкам ўрин олиши учун янги истиқбол йўлларини очиб беради.

Ўзбекистоннинг тўлиқ мустақил давлат сифатида тиклана бориши, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал уйғониши, ўзбек халқининг маънавий қадриятларининг тикланиши бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Унинг иқтисодий ҳаётни фаоллаштириш, аҳолини, шунингдек, талаба-ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширган тадбирлари, фан-техника, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қаратилган фаолияти халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Биз келажакда ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник муаммоларини муваффақиятли ҳал қилишнинг муҳим омили бўлган таълим тизими ва юқори малакали ходимлар тайёрлашни тубдан яхшилаш ишларини амалга ошириш, республиканинг давлатлараро ва халқаро муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан ўтказилаётган тадбирларга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Биз шуни ишонч билан айта оламизки, И. А. Каримов республика Президенти бўлиб сайланганида Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақилликка эришиши, Сизлар билан бизнинг авлодларимиз яшаши лозим бўлган гуллаб-яшнаган демократик давлатни юзага келтириш йўлидаги барча қийинчиликларни енгиб ўтишда ўзига боғлиқ ҳамма ишларни амалга оширади.

Республикамиз фаровонлиги учун амалга оширилаётган ижобий тадбирларни ҳисобга олиб, биз Сизларни Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз беришга чақиришни ўзимизнинг бурчимиз деб билдик.

Ж. АБДУЛЛАЕВ, Тошкент алоқа электро-техника олийгоҳининг ректори; А. АЪЗАМХЎЖАЕВ, Тошкент юридик олийгоҳининг ректори; Ҳ. АЛИМОВА, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳи ректори Б. АСҚАРОВ, Тошкент қурилиш-меъморчилик олийгоҳи ректори; Ж. БУРОНОВ, Тошкент давлат чет тиллар олийгоҳининг ректори; С. ҒУЛОМОВ, Тошкент давлат иқтисодий дорилфунунининг ректори; Т. ДАМИНОВ, 1-Тошкент тиббиёт олийгоҳининг ректори; С. ЖУМАБОЕВ, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислар олийгоҳининг ректори; Н. ИБРОҲИМОВ, Тошкент шарқшунослик олийгоҳининг ректори; С. ИСКАНДАРОВ, Тошкент доришунослик олийгоҳининг ректори; Ҳ. КАРИМОВ, 2-Тошкент тиббиёт олийгоҳининг ректори; М. МАЪРУПОВ, Тошкент кимё-технология олийгоҳининг ректори; С. ПЎЛАТОВ, Тошкент автомобиль йўллар олийгоҳининг ректори; О. САЛИМОВ, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш муҳандислари олийгоҳининг ректори; А. СУЛАЙМОНОВ, Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт олийгоҳининг ректори; А. ТЎРАЕВ, Тошкент давлат маданият олийгоҳининг ректори; Т. ТУРСУНОВ, Тошкент театр ва рассомлик олийгоҳининг ректори; А. ҲАМРОҚУЛОВ, Ўзбек давлат жисмоний тарбия олийгоҳининг ректори; М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Тошкент молия олийгоҳининг ректори; Э. ШАЙХОВ, Тошкент деҳқончилик дорилфунунининг ректори; Г. ШЕГЛОВА, Жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика олийгоҳининг ректори; К. ЮСУПОВ, Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг ректори; Э. ЮСУПОВ, Тошкент давлат дорилфунунининг ректори; О. ЮСУПОВА, Тошкент давлат консерваториясининг ректори; Н. ЮСУФБЕКОВ, Тошкент давлат техника дорилфунунининг ректори.

КЕЛАЖАК ШУ КУНДАН БОШЛАНАДИ

Республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Шу ҳақда корхоналар, ташкилотлар, муассасалардан кўпдан-кўп телеграммалар ва хабарлар келяпти. Уларда Ўзбекистон меҳнаткашлари истиқболи йўлида куч-ғайрат сарфлаётган И. А. Каримовнинг олий давлат лавозимини эгаллашга муносиб эканлиги ва сайловчилар 29 декабрда унинг номзоди учун якдиллик билан овоз беришлари айтилган.

Олтинсойликлар ҳам И. Каримов амалга ошираётган ишлардан мамнун. Халқимиз руҳи кўтарилган. Бу эса эзгу ишларимизда кучимизга куч қўшмоқда,— деб ёзади Сурхондарё вилояти Олтинсой районидан 38-мактаб катта ўқитувчиси ва меҳнат фахрийси Т. Тошмуродов. — Президентимиз сўзи ва иши бир эканлигини амалда кўрсатмоқда. Бу эса халқнинг унга бўлган ишончи ва ҳурматини оширяпти. И. А. Каримовнинг келажак режалари катта ва халқимиз буни яхши билади. Шу боис олтинсойликлар сайлов куни Ислом Каримов учун якдиллик билан овоз берамиз демоқдалар.

— Ислом Каримовнинг номи айниқса биз — кексалар учун азиз ва мўътабардир. Кам таъминланган оила ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя этиш йўлида Президентимиз кўраётган тадбирлар бизга мадад бўляпти. — Ушбу дил сўзларини Гулистон шаҳридан меҳнат фахрийси, ўқитувчи Саодат опа Мираҳмедова йўллаган.

Шундай мазмундаги телеграмма ва хабарларни Қўқон шаҳридан 28-маҳалла аҳли, Термиз Давлат муаллимлар олийгоҳининг жуғрофия кафедраси жамоаси, Бухоро шаҳридаги 11-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчилари ва талабалари жамоаси, Олот районидаги Марказий касалхона жамоаси, Наманган шаҳридаги Охунбобоев номли маҳалла жамоаси, Андижон вилояти Асака районидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчилар жамоаси, Тошкент вилояти Ғалаба районидаги уруш ва меҳнат фахрийлари номидан Қ. Бўтанов, Қашқадарё вилояти Косон районидаги «Большевик» давлат хўжалиги ишчи-хизматчилар жамоаси, Самарқанд шаҳридаги Ҳожи Абдул Азиз Абдурасулов номли маҳалла қўмитаси, Самарқанд ўқувишлаб чиқариш корхонаси меҳнат жамоаси, Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» жамоа хўжалиги ХДП бошланғич партия ташкилоти, шунингдек, Каттақўрғон районидан Р. Шерхонов, Тошкентдан А. Раҳматов, Ҳ. Собиров, Ангрендан С. Шониёзов, Фарғонадан Н. Мўминов, Андижон вилоятидан Б. Бобожонова, Шаҳрисабздан Ҳ. Муҳаммадиев, Зомин районидан О. Қодиров ва бошқалар ҳам йўллашган.

Эшитмадим деманглар

СУРАТ-АХБОРОТ

РЕСПУБЛИКАДА

● ГАГАРИН районидаги Қоракамар қишлоғи аҳли Абдурашид Эркуловни яхши танишади. У малакали механик ҳайдовчи, айни чоғда бахши. Абдурашид бўш вақтларини ҳамдўстлари даврасида дутор чертиб, халқ достонларини куйлайди.

ЎзТАГ суратқаш мухбири И. Хўжаев олган бу лавҳада халқ бахшисини ҳамқишлоқлари даврасида кўриб турибсиз.

МАМЛАКАТДА

● МУРМАНСК. Совет-Норвегия ҳамкорлигидаги корхонада ёғ ишлаб чиқариш бўйича янги шохобча фойдаланишга топширилди. Бу ерда суткасига 10 тонна маҳсулот тайёрланади.

ХОРИЖДА

● ХИТОЙ. Бу сурат Миҳанъ эркин иқтисодий зонадаги идиш буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида олинган. Ушбу завод маҳсулотларининг сифати жаҳон стандартларига мос келади.

(ТАСС фотохроникаси).

ЖУМҲУРИЯТ БЕДАРВОЗА ЭМАС

ЕКИ СССР КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ҚЎМИТАСИНИНГ «ФУҚАРОЛАРНИ ИСТИҚОМАТ ЖОЙИДА РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ХУЛОСАСИ ХУСУСИДА АЙРИМ ФИКРЛАР

«Сукут сақлаш — ризолик аломатидир» деган матал бор. Кейинги пайтда муомаламизга кириб келган «Нимаики қонун билан таъқиқланмаган экан, демак рухсат берилган» тарзидаги қоидани бир қаторга қўямизда, сўнг... СССР Конституциявий назорат Қўмитасининг 1991 йил 11 октябрдаги «Фуқароларни истиқомат жойида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги мамлакат бўйлаб эълон қилган хулосасини ўқишга тушамиз ва асосий жойларни ажратиб олиб фикр тарозиси палласига қўямиз: «Ҳозир ҳам амал қилиб турган (қатор қонун, норматив акт ва ҳужжатлар санаб ўтилади) ...ҳужжатлар ҳар бир фуқаро зиммасига яшаш учун ўзи танлаган жойда истиқомат қилиш ёки туриш учун маъмурий идоралардан рухсат олиш вазифасини юклайди ва тегишли қоидаларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгилаб қўяди».

Тўғри, ҳақиқатан ҳам шундай.

Давом этамиз: «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси қабул қилиниши ва кучга киритилиши билан СССР Вазирлар Кенгашининг мамлакатнинг бутун ҳудудида истиқомат жойда рўйхатга олишни... кўзда тутадиган қарор ва қонуний ҳужжатларни кучда қолдириш учун ҳуқуқий асос қолмади». «Истиқомат жойда рўйхатга олишнинг рухсат талаб қиладиган тизими фуқароларнинг (мамлакат бўйлаб) эркин кўчиб юришини асоссиз равишда чеклаб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга тўсқинлик қилади», — дейилади. Яна бир қатор умумий жумлалардан сўнг мана бундай фикрларга дуч келасиз: «Истиқомат жойида рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги қоидалар... уй-жой бозорини ривожлантиришга тўсқинлик қилиб, эркин ишбилармонликка, пулнинг, моллар ва хизматларнинг силжишига ғов бўлмоқда, ...фуқароларнинг ҳуқуқига бевосита даҳл қилмоқда». Сўнг Конституциявий Қўмита хулоса қилади:

1. ...СССР ҳукуматининг рўйхатга олиш масалалари юзасидан чиқарган барча қарорлари... СССР Конституциясига, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясига ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимларга мос эмас».

2. «Мазкур хулоса... фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳолларда қонун билан... кўчиб юриш эркинлигини чеклашни жорий этишни истисно этмайди».

3. Амалдаги фуқароларни истиқомат жойида рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомлар 1992 йил 1 январдан бошлаб, ...истиқомат жойида рўйхатга олиш учун рухсат талаб қиладиган тартибни бузганлик учун фуқароларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар ушбу хулоса қабул қилинган пайтдан бошлаб ўз кучини йўқотади»...

Қизиқ, 70 йилдан ортиқ яхлит давлат бўлиб турган мамлакатда инсон ҳуқуқларига кенг йўл очилмадию, бугун, мамлакат ҳудуди мустақил давлатлар тизимига айланган даврда, умуминиттифоқ деб аталмиш империя «қулаб» турганда бундай «одилона» ҳуқуқ тарқатиш кимга керак бўлиб қолди? Ёки жумҳуриятлар ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқаролари қамровини аниқлаб олиш учун бош қотираётган вақтда Алексеевнинг «жар солган» ҳужжати нақадар мутаносиблик касб этаркан? Ҳамма ёқни «бомж» деб аталмиш дайдилар, ўғри ва фоҳишалар, талончи ва босқинчилар, қиморбоз ва фирибгарлар, босиб кетаётган ва Ўзбекистон милицияси уларни «пачка»лаб ҳайдаб улгурмаётган кунларда конституциявий қўмита ўтга керосин сепишини қандай баҳолаш мумкин? Хуллас, саволлар, саволлар...

Маълумки, қиш яқинлашиб, совуқ шабада эса бошлаган кундан бошлаб қушлар иссиқ мамлакатлар сари парвозни бошлайдилар. Уларнинг табиати шундай. Кунлар исий бошлагач яна қайтадилар. Лекин орада ўлиб қолмаслик учун узоқ, олис ва иссиқ ўлкаларда жон асраш керак-да!

Одамларчи? Қайси бир инсон қиш-совуқ ва очлик ташвишидан ҳоли?

Энди бугунги ҳақиқатимизга қайтайлик. Қариб 200 миллионлик аҳолиси бор шимолий қўшниларимиз 3—4 йилдан буён «инқилоб» қилавериб, митинг ва иш ташлашларда овора бўлиб қиш ғамини ўйлашни эсдан чиқаришди. Бу бор гап. Ёқилғи танқислигини тан олишмоқда. Иссиқлик манбалари издан чиққан. Озиқ-овқат эса... Ҳали олдинда 7—8 ой совуқ изғиринлар фасли турибди. Дуб, қарағай, арчани еб бўлмайди. Тупроқ ҳам бу даврда «ухлайди». Салпал иссиқ ўлкалар ҳисоб-ланган, миллионлаб одамлар яшовчи Кавказ юртларида эса тинмай, ўзаро савалашиб ётишибди. У ердан бошқа юртларга кетишлари мумкин-у, лекин боришмайди. Бу ҳам факт.

Хўш, қаер қолди? Албатта Ўзбекистон-да! Бу ер азалдан «нон шаҳри» деб ном олган. Қишида ҳеч ким музлаб ўлмайди. Февралга бормасдан қор эриб бойчечак чиқади, сўнг чучмома... Нон ва ун маҳсулотлари ҳам мамлакатнинг фақат шу қисмида арзон. Нархи кўтарилмади. Халқи ўзи емаса ҳам бировга едиришга, киймаса ҳам кийдиришга ўрганиб қолган. Фақат бу ерда инсонни миллатига, эътиқодига ажратмайдилар. Мева, ароқ, вино арзон, топилаверади. Йўллар эса очиқ: «марҳамат, келаверинг!»...

Шу пайтгача сўраса бўларди: «— Кимсан, нима қилиб юрибсан? Ҳужжатингни кўрсат!». Энди бундай қилиб бўлмайди. Чунки уларнинг қўлида ишончли қалқонлар бор — СССР Конституциявий назорат Қўмитасининг хулосаси. Ва жавобгар қилиб бўлади, на ҳайдаб. Ўзингда бори эса аранг етиб турибди...

Муқаддимада айтганимдек раҳбариятимиз, ҳукумат сукут сақлаб, ризолик билдириб турибди. Халқ эса, менимча, бу нарсани у қулоғи билан эшитиб, аллақачон иккинчисидан чиқариб юборди. Зиёлилар, олимлар, ижодкорлар мансаб талашиш билан овора. Қолганлар «катта»ларнинг оғзига қараб, «истеҳком»ларида кутиб турибди. Депутатларнинг ўз ташвишлари етиб ортади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз «ёғи»дан ортмайди, Конституциявий назорат қўмитамиз эса сукутда.

Ёки аксинча, С. Алексеевни ва унинг «Хулоса»сини қўллаб айтилган фикрлар эшитилиб турибди. Масалан 22 октябрь куни соат 9-да республика радиосида СССР Конституциявий Назорат Қўмитаси аъзоси, таниқли ҳуқуқшунос олимимиз «Мустақил республика ва инсон ҳуқуқлари декларацияси» деган суҳбатида «Алексеев хулосаси»ни ўта демократик ва одил қадам деб мақтади.

Бир нарсани қайд этишим лозимки, мазмун жиҳатдан Алексеевнинг хулосаси ҳуқуқийлигига шубҳа йўқ. Лекин у бутун собиқ Иттифоқ ҳудудида кучда бўлиши мумкин эмас. Бу тартиб ҳар бир ҳуқуқий давлат (республика) ҳудудидагина, унинг Президенти ва Олий ҳокимияти фармони ёки қарори билан жорий этилиши мумкин. Айниқса бугунги «оловли» кунларда, мустақил давлат-республикалар ўз фуқаролигини аниқлаб олмаган даврда бундай ҳужжат эълон қилиниши жуда хавфли.

Хўш, нима қилмоқ керак?

Биринчидан, республика Президенти, ҳукумати ва Олий Кенгаши СССР Конституциявий назорат Қўмитасининг мазкур хулосасига бугун, ҳозироқ (эртага эмас) ўз муносабатини билдириши, бу ҳақда махсус фармон, қарор ёки фармойишини эълон қилмоғи лозим.

Иккинчидан, Республика Конституциявий Назорат Қўмитаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз сўзларини айтмоқлари, бу фикрлар ўзбек ва рус тилларида оммалаштирилмоғи керак.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши жараёнини тезлаштирмоқ лозим.

Тўртинчидан, Ички ишлар вазирлиги, Божхона Қўмитаси ва бошқа тегишли идоралар республикамизга келиб-кетиш, ичкарида эркин юриш, нарсаларни олиб чиқиб кетиш каби жараёнларни давр талаби асосида назоратларига олмоғи керак.

Бешинчидан, нон ва ун маҳсулотлари сотилиши билан боғлиқ масала қайта кўриб чиқилмоғи лозим.

Олтинчидан, жамоатчилик ёрдамида республикамиз ҳудудида санғиб юрган дайди, бетайин «бомж»ларни аниқлаб, «пучагини пучакка саралаб», қоладиганининг жойини кўрсатиб, кетадиганига «йўлланма»сини топшириш лозим.

Хуллас, сир эмас, аллақачон «қушлар учиб» келмоқда. Ишонч учун метро, трамвай, троллейбуса чиқиш керак. Бозор оралаб кўринг. Ёт-атрофингиздагиларга разм солинг... Салдан сўнг уларни «қўриқчи» қўйиб ҳам ҳайдай олмаймиз. Кейин, кечикиб, қилинган ҳаракат турли ноҳушликлар келтириб чиқариши табиий. Ноннинг «туя» қилинаётганини сезиб қолган халқда эса... Халқнинг «каттиқроқ гапириб» қўйишини кутиб туриш мумкин эмас. Унда С. Алексеев яна ўз сўзини айтади. Борис Ельцин ҳам жим турмайди. Жаҳон жамоатчилиги эса «Ўзбеклар инсон ҳуқуқлари декларациясини бузяпти» деб жар солади. Шу сабабли ҳам, эслатишим қарз ва фарз: «Сув келмасдан сарбандни, сел келмасдан тўғонни боғла», «Эсинг борида этагингни ёп» деган доно ва умрбоқий ҳикматлар бор...

Файзулла ҚИЛИЧЕВ.
ҳуқуқшунос.

Ташвишли саволлар

Келгуси йилдан бошлаб Иттифоқ ҳудудида прописка режими ман этилади, деб эшитдим. Бу қарор Ўзбекистон ҳудудида ҳам амалга ошириладими? У вақтда «Ўзбекистон мустақиллиги», «Ўзбекистон фуқаролиги», «Ўзбек тили — давлат тили» каби қарорлар қандай бажарилади? Ўзбекистон аҳолиси ўсишини кузатиш, назорат қилиш мумкинми?

У. СУЛТОНЗОДА,
Самарқанд.

• Дилдаги гаплар

МАҚСАД — ТЎКИНЛИК

Рўзномамиз муштарийлари, жамоатчи мухбирларимиз йўллаган баъзи хат-хабарлар кишини ўйлантириб қўяди. Деҳқончилик саноати бўлимига келаётган хатлар билан танишар эканмиз, бунга амин бўлдик. Бироқ дилдаги гапларни очиқчасига айтадиган бўлсак, айрим муаллифларимиз йўллаётган кичик хабарлардан тортиб, катта мақолаларгача у ёки бу масалага бир томонлама ёндашишаётганининг шоҳиди бўлиш мумкин. Масалан, воқеа ва ҳодисалар бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилинади. Баъзан бирор мақолани ўқиганингизда эртаклар оламида саёҳат қилаётганга ўхшайсиз. Гўё турмуш гўзал, ҳаёт фаровон. Ахир жойларда гўшт, сут, тухум етиштириш режалари бажариляпти-да, бажарилганда ҳам ортиғи билан бажариляпти. Шундай экан, бозор, дўкон пештахталари, хусусан, эл дастурхони чорвачилик маҳсулотлари билан тўлиб-тошиб кетиши керак эди-ку. Лекин халта кўтариб бозорга борсангиз зарур озиқ-овқат маҳсулотлари тобора камайиб, нарх-навонинг кундан-кунга ўсиб бораётганининг гувоҳи бўласиз. Ушбу хабарга эътибор беринг-а:

«Наврўз» давлат хўжалиги чорвадорлари Китоб районида биринчи бўлиб давлатга гўшт топшириш йиллик режасини ошириб бажардилар, — деб ёзади қашқадарёлик Ҳ. Раҳмонов. — Қабул пунктларига 50 тонна ўрнига 74 тонна семиз, бўрдоқи гўшти етказиб берилди».

Шу мазмунда Усмон Юсупов районидан Н. Турсунов, Конимех районидан М. Азизова, Пешку районидан С. Қодиров, Андижондан Т. Комилов ва бошқалар ҳам ёзишган. Яхши, режалар бажарилаётган экан, хўш, шу маҳсулотлар қаёққа кетяпти, деган ўринли савол пайдо бўлиши табиий. Лекин бунга ҳеч ким аниқ жавоб беролмаса керак.

Юқоридаги мисолларни келтириб, эл дастурхонига ноз-неъматлар етказиб бераётган кишиларнинг меҳнат зафарларини инкор этмоқчи, хат эгаларини айбламоқчи эмасмиз. Биргина истагимиз шуки, ҳайбаракаллачиликдан ўзимизни бирни ҳал қилишга киришиляпти. Бирон-бир жўяли таклиф бўлса, биргалашиб ҳал этилмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, одамлар турмушини яхшилаш учун жумҳуриятимиз Президенти Фармонларини бажаришга эътиборни кучайтиришни ҳаёт тақозо этаётир. Фармонни эса жойлардаги раҳбарлар амалга оширадилар. Шу ўринда қуйидаги сатрларни эътиборингизга ҳавола этишни жоиз деб ўйлаймиз.

— Наманган вилоятининг Поп районида 1990—1991 йиллар мобайнида аҳолига шахсий уй-жой қуриш ҳамда томорқа учун 5843 оилага 538 гектар, турли хилдаги экинлар экиш учун 16 минг 103 оилага 2035 гектар ер ажратиб берилди ва ҳоказо... — деб ёзади С. Қодиров.

Томорқа учун ер ажратилиши ва бу борадаги Президент Фармонларининг бажарилиши яхши. Шу ўринда баъзи мулоҳазалар билдиргим келади. Томорқага ажратилган ерлардан ҳамма ҳам унумли фойдаланяптими? Унинг назорати давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарлари эътиборидами? Айтайлик, икки йил мобайнида юзлаб, минглаб кишилар томорқали бўлишди. Демак, улар етиштириб улгурган маҳсулот дастурхонимизнинг тўкинлигини таъминлаши керак эди. Президент Фармонларида кўзланган мақсад ҳам сизу бизга ўхшаган кишиларнинг қорни тўқ, усти бут, дастурхони тўкин бўлишига қаратилган. Агар ҳар қарич ердан унумли фойдаланилганда эди, бозору-дўконлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўларди...

Бир қарашда кейинги пайтда қурилиш материаллари, хусусан, ёғоч тақчил бўлиб қолди. Бу муаммони бартараф этиш мушкулдек туюлади. Лекин тошкентлик И. Эрбўтаевнинг бу борадаги фикри ўзгача:

— Ўттизинчи йилларда Фарғонадан Мирзачўлга кўчиб келган отамиз қамишзор ўрнига юз туп терак эккан эканлар. Буни қарангки, тўрт-беш йилда тераклар худди бўйига етган қирқ кокилли қиздай кўзга кўринди. Кейинчалик деворлари синчли тўрт хонали уй қурдилар. Шу уйда ҳозир ҳам синглим Лолахон яшайди.

Агар Хўжанд, Конибодомдан ўтиб, Фарғона томон юрсангиз, кўчанинг икки томонига экилган тераклар сизни кузатиб тушади. Бундай ўйлаб қарасангиз, бошпана қуриш учун тайёр қурилиш материали-ку, ахир. Нега энди биз ота-бобомиз қўллаган бу усулга бефарқ бўлиб қолдик? Ахир «терак — ҳаммага керак» — деганларку!

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон районидан Н. Қўлдошев юборган мактуб ҳам эътиборга лойиқ.

— Биргина Жанубий Сурхон сув омборидан Термиз шаҳригача бўлган масофа чамаси юз километр. Агар дарё соҳилининг икки паст текислигига игна баргли арча дарахтлари зичроқ экилса, ёмон бўлмасди. Ана шунда вилоятдаги экологик вазият яхшиланарди, қолаверса, бу ерлардан кетиб қолган ҳайвонот ва қушлар дунёсининг айрим турлари яна қайтармиди.

Шунингдек, Ж. Юсупов (Қашқадарё), С. Қодиров, Б. Мансуров (Бухоро), Ҳ. Қаюмов, Ў. Жўраев (Тошкент) ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Кўплаб хатларнинг муаллифлари жойлардаги айрим раҳбарлар одамлар ҳақида етарлича ғамхўрлик қилмаётганликлари, турмуш қийинчиликлари ҳақида қалам тебратишган. Жиззахлик Х. Эгамбердиев, А. Оспанов, бухоролик Ж. Ражабов, Х. Муҳторов, қашқадарёлик С. Ҳабибов, хоразмлик Э. Каримов, андижонлик Ҳ. Сатторов ва бошқалар турли муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари хусусида таклиф-истаклар билдиришган.

Хуллас, уйдаги гап кўчага тўғри келмай қолди. Тадбиркор раҳбарлар муаммоларни вақтида ҳал қилиб борсалар, арзимаган гаплар вилоят, ҳатто республика миқёсига етиб келмасди. Юқорида қаламга олинган масалалар жойларда ўз ечимини топади, деган умиддамиз.

М. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТИЖОРАТ БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Қизилтепа районидаги агросаноат уюшмаси қошида тижорат бўлими очилди. Бу бўлим эндиликда чет эл ишбилармонлари ва уларнинг сармояларини район ишлаб чиқаришига жалб қилиш билан шуғулланмоқда.

Қизилтепалик тадбиркорлар яқинда бу борадаги дастлабки қадамни қўйишди. Германиянинг «Текстимо» фирмаси вакиллари билан ҳамкорлик алоқаси ўрнатилди. Хорижлик ишбилармонлар районда мўъжазгина тўқимачилик корхонаси очадиган, уни керакли дастгоҳлар билан таъминлаб берадиган бўлишди.

Б. МАНСУРОВ,
Бухоро вилояти

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Андижон мебель комбинати ишчилари халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда. Бу ерда мебель маҳсулотларидан ташқари кундалик ҳаётимизда зарур бўладиган турли хил ёғоч буюмлари ҳам тайёрланяпти. Ҳозиргача 2 миллион 126 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга жўнатилди.

Бугунга келиб корхонада бошланғич тайёрлов цехини қуриш жадал бораяпти. Ҳозир ушбу цехга йиғув ускуналари ўрнатилмоқда. Уни декабрь ойининг охирида ишга туширишни кўзда тутиляпти. Янги йилдан бошлаб эса, корхона аҳли яна бир неча хил замонавий мебель маҳсулотларини тайёрлашга аҳд қилишган.

Ш. КЕЛДИЕВ,
Андижон вилояти.

ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Пахтачи районидаги таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасида бозор муносабатларига ўтилаётган оғир шароитда ўз ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўриляпти. Шу мақсадда қўшимча резерв ва имкониятлар ишга солинмоқда.

Илгари ишчилар ойлик маошдан ташқари юз сўм товон пули олишарди. Яқиндан бошлаб бу суммага ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида қўшиб бериладиган бўлди. Ўтган вақт ичида эса ишлаб топилган соф фойдадан 209 минг сўмлик маблағ ишлаб чиқаришда фаол қатнашган ишчиларга мукофот тариқасида тарқатилди.

Б. ШАМСИЕВ,
Самарқанд вилояти.

Янгийўл районидаги Муқимий номли мактабда икки йилдирки қозоқ тилида машғулотлар олиб бориляпти. Мураббийлар жамоасида ёшларга тажрибали ўқитувчилар таълим-тарбия бераётир. Дариҳа Ўрмонованн барча тажрибали устоз сифатида эътироф этади. У 20 йилдирки ёшларнинг ғамхўр ва талабчан муаллимидир.

Суратда: Д. Ўрмонова машғулот пайтида.

Р. Альбеков сурати.

• Фан: ўзгаришлар йўли

«ИНСОН — ДАТЧИК» ЯСАШ МУМКИНМИ?

Инсон табиатда бўладиган ҳар хил ўзгариш ва таъсирларнинг таъм, ҳид, ҳарорат, ёруғлик, босим ва ҳоказоларни сезадиган жуда сезгир ва мукаммал «датчик» сифатида яратилган. Ҳақиқатан ҳам инсон узоқ замонлар шу вазифани тўла бажариб келди. Аммо охирги юз йилдаги катта ўзгаришлар ва табиатда очилган янги ҳодисалар шуни кўрсатдики, биринчидан, «инсон — датчик»нинг сезгирлик доирасидан ташқари бир қатор ҳодисалар — электр, магнит майдонлари, радиация, инфрақизил, ультрабинафша нурлар ва бошқа таъсирлар мавжуд бўлиши, иккинчидан, унинг жуда секин ишлаши маълум бўлиб қолди.

Масалан, ҳарорат, ҳид, босим ва бошқа таъсирларни, улар таъсир этгандан сўнг жуда узоқ вақт оралигида сезиши ва у ҳақда хабар бериши мумкин. Булардан ташқари, «инсон — датчик»нинг энг катта нуқсонларидан бири мавжуд физик таъсирларнинг аниқ қийматини аниқлашдаги ожизлигидир. Буларнинг ҳаммаси инсонни ўзига ўхшаш мукаммал, лекин юқоридаги нуқсонлардан ҳоли бўлган датчиклар яратиш устида ишлашга мажбур этади.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳарорат, намлик, ҳид, таъм, босим, радиация, ёруғлик, ҳар хил электр ва магнит майдонлари, сув, тупроқ ва бошқа маҳсулотларда мавжуд бўлган аралашмалар миқдорини кўрсатадиган ва аниқ, тез ҳамда содда ишлайдиган датчикларсиз ҳеч қандай экологик, энергетик масалаларни ечиш, ЭҲМ автоматлаштириш, маълумот бериш технологиясини ривожлантириш мумкин эмас. Бу фақат юксак даражадаги ишлайдиган автоматлашган тизимлар яратиш ва тўла ахборотга эга бўлишгина эмас, балки энг зарур бўлган қонинот экологиясини сақлаш, уни ҳимоя қилиш ва бошқа масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада ярим ўтказгич хусусиятига эга бўлган материаллар ва улар асосида яратилган ҳар хил асбоб ва қурилмаларнинг кашф этилиши датчиклар масаласида буюк қадам бўлди.

Ярим ўтказгич хоссасига эга бўлган материалларнинг электрофизик хусусиятлари, металл ва диэлектриклардан фарқли ҳолда, ташқи таъсирларга ўта сезгирлигидир. Бу ана шу материаллар кристалл панжараларидаги киришма атомлари ва нуқсонларнинг концентрацияси билан ифодаланади. Шу йўналишда изланаётган олимлар иши шуни кўрсатдики, ярим ўтказгич хоссасига эга бўлган материаллар асосида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида қўлланиладиган датчиклар яратиш мумкин экан.

Ҳозирги даврда қўшимча ўта мураккаб ва қимматли қурилмалар ёрдамида бундай датчикларнинг сезгирлиги ва тезлиги оширилмоқда. Агар бутун дунёда ярим ўтказгич асбоблар (диод, транзистор, микро ва интеграл схемалар) 100 фоиз деб олинса, улардан 12—15 фоизи фақат датчикларга тўғри келади. Бугун ва яқин келажакда датчикларга бўлган талаб яна ҳам ортмоқда.

Ҳозирги замон технологияси ва ярим ўтказгичлар хоссасига эга бўлган материаллар асосида олиш мумкин бўлган энг сезгир ва тезкор датчиклар яратилди. Хўш, бу етарли эмасми, йўқ, улар бугунги ва эртанги кун тараққиёти учун мос келмайди. Шунинг учун ҳам мавжуд датчикларга уларнинг ўлчовларни яхшилаш учун мураккаб технологияси жуда юқори бўлган қурилмалар бириктирилади. Бу фақат датчикларнинг баҳосини жуда ошкрибгина қолмай, балки эксплуатация қилишни ҳам ўта қийинлаштириб, уларни бошқаришни биладиган махсус мутахассислар тайёрлашни ҳам тақозо қилади.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган ярим ўтказгич датчиклари, қўшимча электрон қурилмалардан қатъий назар, ҳар бири фақат битта физик катталикларини ўлчашга, бошқаришга ва назорат қилишга мўлжалланган. Масалан, термодатчикдан магнит майдонини ёки ёруғлик интенсивлигини ўлчаш учун фойдаланиб бўлмайди. Чунки ҳар қайси таъсир учун ярим ўтказгичнинг маълум бир физик хусусиятини бошқариш керак.

Масалан, ёруғлик интенсивлигини сезадиган датчикларда ток ташувчи электрон ва ковакларнинг яшаш вақти асосий ўринда турса, ҳароратни ўлчаш учун ток ташувчиларнинг концентрациясини иложи борича камайтириш керак. Магнит ёки босим датчиклари учун эса, ток ташувчиларнинг харакатчанликларини бошқариш керак бўлади ва ҳоказо.

Демак, кўринди турибдики, ҳар қайси датчик учун ўзига хос материал, технология ва бошқариш тизими мавжуд экан. Шундай экан, инсон орзу қилган ва ўзига ўхшаган мукаммал (универсал) датчик яратиш мумкинми, деган савол туғилади.

Ўта сезгир, тезкор «инсон датчиги»ни яратиш учун, умуман, янги ярим ўтказгич хоссасига эга бўлган материаллар яратиш ёки ишлаш жараёни бутунлай бошқача бўлган йўлдан бориш керак.

Шу мақсадда бир неча йиллардан бери Тошкент давлат техника дорилфунуни ҳамда Тошкент давлат дорилфунунларида профессор М. Баҳодирхонов ва С. Зайнобиддинов раҳбарлигида олиб борилаётган илмий изланишларнинг бир қисми юқоридаги муаммоларни очишга қаратилган. Улар раҳбарлик қилаётган илмий лабораторияларда одатдаги саноат кремний моддасини маълум миқдордаги киришма атомлари билан бойитиб ўта компенсацияланган кремний олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Лекин мавжуд ҳозирги замон технологияси ёрдамида хусусий ўзгарувчанликка эга бўлган кремний материалини олиш жараёни ҳали ўз ечимини топгани йўқ. Ўта компенсацияланган кремний ўзининг ўтказувчанлик хоссаси ва ток ташувчилар концентрацияси билан ҳусусий кремнийдан фарқ қилмайди, аммо унинг ҳажмида анчагина катта миқдорда ҳаракатсиз ва нуқтавий компенсацияланган ток ташувчилар миқдоридан жуда катта миқдорда ионлар концентрацияси мавжуд бўлади. Бу эса шу моддаларнинг зарядлари ва электр потенциаллари ҳар хил бўлган микросоҳалардан ташкил топган деб қарашга имкон беради.

Демак, бу ўта компенсацияланган материаллар, ўз электр ўтказувчанлиги ва физик хусусиятлари билан ҳусусий ярим ўтказгичлардан тубдан фарқ қилувчи янги турдаги ярим ўтказгич материалидир.

Бу материални олиш технологияси жуда мураккаб узоқ изланишлар натижаси оқибати бўлиб, у ўз ичига ўта аниқ математик ҳисобларни ва киришларнинг кремнийдаги эрувчанлиги, диффузия конфициенти ҳамда уларда ҳосил бўладиган энергетик сатҳларнинг қийматларини жуда катта аниқлик билан ўлчашни талаб қилади.

Масалан, ўта компенсацияланган кремний материалида мавжуд бўлган ва киритилаётган киришма атомлари фарқи энг камида 0,0001 — 0,00001 аниқликда бўлиши керак. Олимлар гуруҳи томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида ўта компенсацияланган кремнийда, одатдаги кремний ва бошқа мавжуд ярим ўтказгичлардан фарқли ўлароқ бу материалларда олдин бизга маълум бўлмаган янги физик ҳодисаларни кузатишга муваффақ бўлинади.

Бу материалларда биринчи маротаба фотоўтказувчанликнинг ўта чуқур сўниш самараси очилди. Бу самара умумий анча катта ёритилганлик мавжуд бўлганда ёритилганлиги жуда паст маълум тўлқин узунлигидан инфрақизил нурларни сеза олидиган ўта сезгир янги турдаги фотоқабул қилгичларни яратишга имкон берди. Ўта компенсацияланган моддалар умумий ва маълум тўлқин узунликларидаги инфрақизил нурларга ўта сезувчан бўлиб, улар асосида ясалган фотоқабулқилгичлар ҳозир мавжудларидан 20—30 маротаба сезгирдир.

Маълум бир электр майдон кучланганлиги қўйилганда ўта компенсация қилинган материалларда сўнмайдиган тартибли инфрақизил ва товуш частотаси жуда катта амплитудаги эга бўлган ток тебранишларини вужудга келтириш мумкинлиги аниқланди. Унда электр майдон кучланганлигини ўзгартириш ҳисобига тебранишлар частотаси 0,001—100000 Гц ва амплитудаси (0,1—1А) оралиғида бошқариш мумкин. Бу самара асосида лабораторияда яратилган жуда кичик қаттиқ жисмли генераторлар ҳозирги мавжуд кўп энергия талаб қиладиган, катта ҳажмдаги генераторлар ўрнини тамоман эгаллай олади.

Қизиғи шундаки, бундай генераторнинг асосий ўлчовли (ҳарорат, оқ ва инфрақизил нурлари, электр ва магнит майдонлари, босим ва бошқа)га ўта сезувчан экан. Агар одатдаги магнитодиод ва магнитодатчикларда ўтказувчанликни магнит майдонларининг таъсирида ўзгариши 30—35 фоиз бўлса, бундай генераторларда амплитуданинг чизиқли ўзгариши шу миқдордаги магнит майдонида 12—15 марта ўзгаради, Агар энг замонавий тензодатчикларнинг тензосезгирлиги беш юзга етса, бундай генераторларда амплитуда ва частота бўйича тензосезгирлик 10000 — 12000 га етади.

Демак, ўта компенсацияланган кремний асосида на фақат ажойиб микрогенераторлар эмас, балки ҳарорат, оқ ва инфрақизил нурлар, электр ва магнит майдони, босим ва бошқа ташқи таъсирларга ўта сезгир мукаммал датчик ясаш мумкин экан. Яъни бошқача қилиб айтганда, битта кичик кристаллнинг ўзидан бир вақтда ҳам генератор, ҳам ҳар хил ташқи таъсирларни қайд қилувчи датчик сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳозир профессор М. Баҳодирхонов бошчилик қилаётган Тошкент давлат техника дорилфунунининг қаттиқ жисмлар электроникаси илмий текшириш лабораториясида мана шундай генераторлар Хитой, Ҳиндистон, Москва ва жумҳуриятларнинг кўргазмаларида намойиш этилиб, диплом ва мукофотларга сазовор бўлди. Бу ишлар юзасидан 20 га яқин муаллифлик гувоҳномалари олинди. Биз бу ерда ўта компенсацияланган кремний материалларининг бир кичик томонига тегишли сўз юритдик. Ваҳолонки, олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатдики, бу ажойиб ярим ўтказгичли материалларнинг физикасини мавжуд назариялар асосида тушунтириб бўлмаслиги ҳам маълум бўлади. Бу соҳада ҳам мазкур олимларнинг ишлари мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам эътироф этилган.

Профессорлар М. Баҳодирхонов ва С. Зайнобиддинов ўта компенсацияланган моддалар физикаси соҳасида халқаро миқёсдаги етакчи олимлардир. Илмий ишлар натижаси юзасидан юздан ортиқ мақолалар ва тўртта монография чоп этилган. Ҳозирнинг ўзида улар томонидан яратилган электрон термометр фотодатчиклар Тошкент областининг бир қанча пахта тозалаш заводларида ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида муваффақиятли синовдан ўтди. Бу ҳар йили бир неча юз минг сўмлик иқтисодий самара бермоқда.

Р. БЕГЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.

•ИБН СИНО МАДАДИ

Республикамизда Ўзбекистон халқ академияси ташкил этилди. Академиянинг табобат бўлими шарқ табобати буюк намояндалари ва уларнинг илмий меросини ўрганишмоқда, халқ табобатининг асрлар оша такомиллаштирилиб келаётган амалларини, шу жумладан шифобахш ўсимликлар, маданий ва бошқа табиий бойликлардан ҳар хил касалликларни даволашга интилмоқда.

Инсоният қадимдан ўсимликлардан фойдаланиб, уларнинг шифобахш хусусиятларидан ҳам баҳраманд бўлган. Табиат неъматларини истеъмол қилган инсон, унинг таъми, мазаси, тўйимлилигини сезиш билан бирга, уларнинг шифобахш хусусиятларига ҳам эътибор берган. Натижада халқ табобати юзага келган.

Шифобахш ўсимликлар ва маданий моддалар даволовчи хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар буюк аллома ал-Беруний асарларида тўлиқ берилган. Бу муаммолар буюк табибларимиздан, ўз замонасининг улуғ қомусий олимлари ар-Розий ва Абу Али ибн Сино, ўзи ясаган мис найча билан кўз катарактасини (қорачиқни парда қоплаши) олиб ташлаб, кишиларнинг кўзини очган буюк табиб ибн Али, табобат тарихида биринчи бўлиб бундан минг йил илгари бош мияни операция қилган жарроҳ — ал-Заҳравий ва уларнинг шогирдлари минг йиллар давомида даво тадбирларини мукаммаллаштириб келганлар. Бу ўз навбатида халқ табобатининг янада ривожланишига асос солган.

Табобат кузатувлари шуни кўрсатадики, табиат неъматларидан олинган дори-дармонлар кимёвий ёки сунъий йўл билан олинган дориларга нисбатан афзалдир. Чунки табиат эҳсони бўлмиш ўсимлик маҳсулотлари деярли асоратсиз ҳисобланади.

Афсуски, асрлар давомида синовлардан ўтган халқ табобатининг бойликлари ва унинг илмий асослари ҳозирги кунда на амалий ва на илмий табобатда етарли қўлланилди. Халқ табобатидан олимлар, тиббиёт олий илмгоҳи талабалари ҳам маҳрум. Чунки у тўғрисида на кафедралар очилган, на дарсликлар ёзилган.

Ахир миллий маданиятимиз сақланиб қолган айрим оилаларда касаллик рўй берганда ҳар хил гиёҳлардан, уларни иссиқ ёки совуқ мижозлигига эътибор берган ҳолда дамлама, қайнатма, чой, аралашма қилиб даволай оладилар-ку? Нима учун ҳозирги вақтда дорихоналарда, дори-дармон тақчиллигида бу одатни кенг қўллаш мумкин эмас. Айни вақтда Ўзбекистонда тўрт мингга яқин ёввойи ҳолда ўсадиган ва маданийлаштирилган ўсимлик аниқланган. Уларнинг беш юздан зиёди шифобахшдир.

Академия табобат бўлимининг асосий вазифаларидан яна бири, ноёб шифобахш ўсимликларни тўплаш, маданийлаштириш, шифобахш ўсимликлар экадиган хўжаликлар ва концернлар ташкил қилиб, мумкин қадар кўпайтиришдан иборат.

Халқ Академиясининг малакали мутахассислари халқимизнинг бой хазинасидаги зарур дори воситаларини ҳозирги замон амалий ва илмий тиббиётда қўллаш, тиббий олий илмгоҳ талабаларига дарсликлар, қўлланмалар яратиш каби хайрли вазифани ҳам ўз зиммаларига оладилар.

Улар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга шифобахш гиёҳлар, мевалар, маданий воситалар ёрдамида бир қатор касалликларга, жумладан асаб касалликлари, юрак-қонтомир, жигар, буйрак, меъда, ичак касалликлари, тумов, диабет, жинсий аъзо касалликларига дори-дармонлар берувчи фитобарлар ташкил этганлар. Фикримизча, бу воситалар фақат касалхоналар ва дорихоналарда эмас, ишлаб чиқариш корхоналарида, жамоа ва давлат хўжаликларида, маҳалла чойхоналарида ташкил қилиниши керак. Бу даволар врач маслаҳатига мувофиқ керакли вақтда уйда ҳам, ишхонада ҳам истеъмол қилишга имкон туғдиради.

Яқин кунларда Ўзбекистон Халқ академияси чоп этаётган «Шифобахш гиёҳ шарбатлари» асари нашрдан чиқади. Китобда шифобахш гиёҳлар, уларнинг ҳоссалари, қайси касалликка кор этишидан ташқари, қандай қилиб уй шароитида фойдаланиш усуллари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган.

Н. МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Халқ академиясининг табобат бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Р. ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон Халқ академиясининг табобат бўлими аъзоси, доришунослик фанлари номзоди.

ЭНГ МУҲИМ ДАВО

• СПОРТ

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● АВСТРИЯДА оғир атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнир қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Мусобақада иштирок этган таниқли спортчи, ашхободлик жаҳон чемпиони А. Ораздурдиевнинг чиқишлари кўпчиликни қизиқтирди. 75 килограммли бу полвон даст кўтаришда 162, силтаб олишда 200 килограммли натижага эришиб, икки кураш ҳисобида ғалаба қозонди.

КУЧЛИЛАР САФИДА

● МОМИҚ қор билан қопланган қияликларда мураккаб ва акробатик машқларни чанғида бажариш ўзига хос нафосатга айланади. Тошкентлик Лина Черязованинг маҳорати бу борада ортиб бораяпти. У яқинда Кировск шаҳрида мамлакат кубоги учун мусобақада иштирок этиб, ғалаба қозонган эди. Куни кеча эса Италияда жаҳон кубогининг иккинчи босқичи баҳсларида иштирок этди. Бу сафар Лина 158,06 балл тўплаб, тўртинчи ўрин билан қаноатланди.

ОММАВИЙЛИК ЙЎЛИДА

● Республикамизда спортнинг сувга сакраш турини ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш йўлида муҳим қадам қўйилди. Сувга сакраш федерацияси таъсис этилди. Бу ишга Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети билан «Иқтисодиёт ва ҳаёт» халқаро акционерлик корпорацияси бош бўлди. Янги спорт федерацияси хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатади.

ФЕЛЬЕТОН

МАРД МАЙДОНГА ЧИҚСИН

Диққат! Диққат! Андижон вилоятининг Шаҳрихон районидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалигидан гапирамиз, фақат ҳақиқатни сўзлаймиз. Нияти покиза, кўнгли тоза, мақсади улуғ, қадами қутлуғ бўлган чин инсонлар унга «Ҳақиқат» деб ном қўйишган экан. Муроду мақсадларига етишсин. Тупроқ олсалар олтин дастурхонлари тўкин бўлсин.

«Ҳақиқат» жамоаси аҳли осойишта ҳаёт кечириб юрган эди. Кутилмаганда гуруч орасидан бир отим носчалик «олтин» чиқиб қолди-ю, одамларнинг тинчи бузилди. Ана шу серҳаракат, ўт-олов, юриб-югуриб чарчамайдиган «олтинлар» ким кўрганни гапга тутиб: «Раисни ишдан бўшаттирамиз!» — дея имзо тўплай бошлашди. Оқ қоғозни қора қилиб, нима учун қўл қўяётганини билганлар ҳам бўлди, билмаганлар ҳам. Бир тоифа мўмин мусулмон кишилар эса «эл ичида четда қолмаслик» мақсадида қалам тебратишди.

Хуллас, тўпланган имзолардан ҳам ўзи анча кичик бўлган «муборак мактуб» таваллуд топди. Уни зудлик билан оёғидан ўт чақнаган «олтин» йигитлар халқ депутатлари Шаҳрихон район Совети раиси, ҳамма учун ҳурматли бўлган ўртоқ Зокиржон Усмоновнинг қўлига эсон-омон етказиб беришди. Ҳайрият!...

Хўш, нега бунчалик елибюгуриш?! Раиснинг гуноҳи нима?! Жамоа хўжалигининг мулкига кўз олайтирдими? Ёки аҳлоқ ва одобга хилоф саналадиган бирор ножўя иш қилиб қўйдими? Асло! Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган бу оғир-вазмин йигит жамоага бош-қош бўлиб тинмай меҳнат қилди, ўзини эмас, кўпчиликни ўйлади. Натижада хўжалик икки йилда (ўзи шу ёшда) ҳамма соҳада катта ютуқларни қўлга киритди, юрти обод бўлди, эли тўқ яшай бошлади. Қисқаси, Андижон вилоятидаги пешқадам колхозлар сафидан муносиб жой эгаллади. Баъзи бировлар ана шуларни раиснинг гуноҳи деб ҳисобламоқчи бўлишса, ҳисоблайверишсин!

Шу ўринда гапни сағал юқорироқдан бошлашга тўғри келмоқда. Мазкур жамоа хўжалиги бундан анча йил муқаддам «Правда Востока» деб аталар, райондаги илғор, бой хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Негадир кутилмаганда уни қўшни, иқтисодий ночор «Қизил Ўзбекистон» колхозига бирлаштиришди-да, йириклашган хўжаликка ўша замонларнинг удумига кўра зўр ғурур билан «Октябрь 60 йиллиги» номини беришди. Орадан ойлар, йиллар ўтиб, «Октябрь 60 йиллиги» ҳам пешқадам хўжаликка айланди. 1990 йилнинг бошларида уни яна иккига бўлишди. Шундай қилиб, собиқ «Правда Востока» колхози ўрнида «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги дунёга келди. Ўша пайтда Шаҳрихон район агросаноат уюшмасида ишлаб турган Муҳаммаджон Азимовни қўярда-қўймай раисликка сайлашди. Ҳа-ҳу, дегунча икки йил ҳам ўтиб кетди. Хўжаликка раҳбар сайлашда одамлар янглишмаган эканлар. Халқ депутатлари Шаҳрихон район ва Шаҳрихон шаҳар Советларининг нашри бўлган «Янги ҳаёт» рўзномаси ўзининг 1991 йил 6 декабрь сонида «Ҳақиқат» босиб ўтган ёрқин йўл ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди.

Хўш, шундай экан, илғор колхозда нега ғалва бошланди? Кўпчилик ҳайрон. «Бунда бир сир бор бўлиши керак»,— деб ўйлашди одамлар. Ҳай, майли, бўлса бордир. Лекин асосий гап бунда эмас, гап колхоз аъволари томонидан «ижод қилинган» хатда. Ўртоқ Зокиржон Усмонов уни зудлик билан район агросаноат уюшмаси раиси Анваржон Жумабоевга ҳавола қилган эди.

Одатда, шикоят ва ариза-лар бир ой муддатда ҳал қилинмоғи керак. Бу гал арқонни узун ташлаб қўйишга имконият бўлмади. Негаки, масала жуда жиддий, зудлик билан ҳал қилмоқ даркор. Акс ҳолда, енг шимариб ишга киришган аризачилар кутиб туриша олмайди. Вазиятни билимдонлик билан оқилона баҳолай олган Анваржон Жумабоев ўз ўринбосари Нуъмонжон Турдалиев, колхоз ишлари бўйича мутахассис Ўктамжон Арабоев ва юрист маслаҳатчи Маҳмуджон Бозорбоевлар билан бирга эрталаб барвақт «Ҳақиқат» колхозига етиб борди. Ўшанда раис Муҳаммаджон Азимов ҳам, унинг муовини Мўминжон Урайимов ҳам бу ерда йўқ эди. Улар хўжалик юмушлари билан тегишли ташкилотларга кетишганди. Тўрт кишидан иборат қилни қирқ ёрувчи нуфузли комиссия уларни кутиб ўтирмади. Кишилар билан бирма-бир суҳбатлашиб: «Ушбу хатдаги имзо сизникими?» — деб сўрай бошлашди. Ўртоқ А. Жумабоев бу хат билан раисни ишдан олиб ташлаш мумкин эмаслигини одамларга астойдил тушунтирди. Нати-жа чиқмади. Шундан кейин ўша куни кечки пайт колхоз гаражида (идорада эмас!) раиснинг иштирокисиз йиғилиш ўтказилиб, 1991 йил 18 ноябрь куни эрталаб соат ўн бирда гараж биносида жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказишга келишиб олинди. Шу заҳотиёқ чиройли бўёқларда эълонлар битилиб, ҳаммага кўринадиган жойларга ёпиштириб чиқилди.

Шундай қилиб, «Ҳақиқат» колхозида баданларни жунжиктириб эсиб турган гап-сўзлар, шов-шувлар изғирин яна ҳам кучайди. Изғирин эълон ижодкорларининг кўнглида аллақандай мамнуният ҳиссини уйғотган бўлса, бошқаларда нафрат қўзғатди. Айниқса, жамоа хўжалигидаги Қўрғонча, Найман, Фармонча, Иброҳим эллик маҳалла қўмиталарининг раислари қаттиқ изтиробга тушиб, ўзларини қаерга қўйишини билмай қолишди. «Йўқ, биз раисни хўрлатиб қўймаймиз!» — деб аҳд қилишди кўпни кўрган отахонлар.

Қоғоз деган нарса ўзи нимжон бўлгани билан кўп оғир юкларга бардош берар экан. Раис боболар варақ-варақ қоғозларнинг оқ юзига ўз дарду ҳасратлари, тилак ва истакларини битиб, Андижону Тошкентга қараб учдилар. Ҳамма жойда уларнинг сўзлари жон қулоғи билан тингланди.

Ноҳақликка учраган раис Муҳаммаджон Азимов ҳам, нима бўлса бўлар, деб тинчгина ўтирмади. У халқ депутатлари Андижон вилоят ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тубандаги қарор қабул қилинди.

«1. Колхоз раиси М. Азимовни ишдан бўшатиш ҳақидаги кохозчилар томонидан З. Усмонов номига ёзилган талабномани текшириш тўхтатилсин, ҳамма гап ҳисобот мажлисида ошкора муҳокама қилинсин.

2. Шаҳрихон ноҳияси агросаноат уюшмаси раиси А. Жумабоев ва муовини Н. Турдалиевлар томонидан ўтказилган текшириш ва правление қарори бекор қилинсин».

Бир қарашда муаммо шу билан ҳал этилгандек бўлиб кўринади. Аслида ундай эмас. М. Азимовнинг халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши раиси номига ёзган аризасидаги мана бу гаплар маъносини чуқур англаган киши бунга ишонч ҳосил қилади (айнан келтирилади):

«Маълумки, мен якка бошликда, қариндош-уруғчиликка берилишда айбланаман. Агар шундай бўлса, район раҳбари бўлган З. Усмоновнинг ўзи-чи? У ноҳиямизга 1990 йилнинг май ойида келган. Шу ўтган қисқа фурсат ичида бир укасини Андижон қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумига директор, бир укасини олий маълумотли мутахассисни бўшаттириб, мутахассис бўлмагани ҳолда Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасига омбор мудири, куёвини фабрика омборидан атлас чиқариб сотиладиган магазин мудири, Бўз райони халқ назорати қўмитасида ишловчи ўз ўғлини Шаҳрихон автобазасига бош инженер қилиб тайинлади-ку! Акаукалари Комилжон, Ботиржон, Абдурашидларга уй қуриш учун «Қизил юлдуз» жамоа хўжалигидан 15-20 сотихдан жой олиб берди. Уларнинг қандай йўллар билан енгил автомашиналик бўлганлари-чи? З. Усмоновнинг ўзи, қайноғаси — «Октябрь 60 йиллиги» хўжалиги раиси М. Йўлдошевлар ўз уйлари бўлгани ҳолда давлатнинг коттедж уйларини арзон-гаров ўзларинники қилиб олдилар-ку!

Ўзларининг шунча шалтоғи бўла туриб, менга нисбатан бундай муносабатдан маъно, мақсад нима экан? Балки айрим нотўғри топшириқларини бажармаганимдир?

...Район раҳбарлари бўлган З. Усмонов, А. Жумабоев, унинг муовини Н. Турдалиевлар ўзлари ҳақ ва адолатни паймол қилиб, гуруҳбозлик уюштириб, нимани кўзламоқдалар?

Мен, махсус комиссия тузиб, чуқур текшириб, бу масалага аниқлик киритишларингизни ўтиниб сўрайман.»

Муҳаммаджон Азимовнинг арзномасида булардан бошқа киши диққатини тортадиган нуқталар оз эмас. Хуллас — раис мард бўлиб майдонга чиқди. Қани, кимлар унинг аччиқ даъволарини инкор эта олади?! Ўртага чиқишсин, уларга ҳам майдон кенг ,фақат бир шарт — ҳақиқат топталмасин, оёқ ости бўлмасин.

Усмон ЮСУПОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«СОЮЗРЕКЛАМА» акционерлик жамиятининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

«САРБОН»-*иқтисод, сиёсат, санъат оламида СИЗГА ҲАМКОРДИР!*

Агар Сиз эпчил, ишбилармон киши бўлсангиз, табиийки, рекламанинг тижорат ва ишлаб чиқариш, энг муносиб ҳамкор-шерикларни излаб топиш ва алоқа ҳамда муносабатларни йўлга қўйиш борасидаги мўъжизакор таъсирини чуқур тушуниб етасиз, албатта...

Биз барча турдаги оммавий ахборот воситалари – кино, телевидение, радио, марказий ва маҳаллий матбуот билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилиб борамиз.

БИЗ:

- Сизнинг корхонангизни афкор оммага таништириш мақсадида ўзимизнинг "САРБОН" фирмали дўкон-салонимизда корхонангизнинг тақдимот маросимини ташкил қилишимиз ва ўтказишимиз, корхоналар ва хусусий шахслар учун моллар кўргазма-савдосини ёки ким ошди савдосини ўтказишимиз;
- Тошкент йўлларидаги пешойна (витриналар) ва реклама лавҳаларини жиҳозлашга оид бадиий ишларни бажаришимиз ва хомаки чизгиларни ишлаб чиқишимиз;
- барча манфаатдор ташкилотларга брокерлик хизматларини кўрсатишимиз;
- нарх ёрлиқлари, ўров қоғозлари, варақалар, илова варақачаларини чиқаришимиз;
- видео-, теле-, радиофильмларни яратишимиз ҳамда уларни Сиз танлаб олган истаган дастур бўйича марказий ва республика телекўрсатуви орқали намойиш қилишимиз;
- теле ва радиоэшиттиришларни тайёрлашимиз;
- исталган рўзнома ва жаридаларда Сизнинг маҳсулотларингиз ва хизматларингиз ҳақида ҳикоя қилиб беришимиз;
- жумҳурият миқёсида реклама-тарғибот кампанияларини ўтказишимиз;
- мамлакатимизда ва чет элда эпчил, ишбилармон ҳамкор топишингизда ёрдам беришимиз МУМКИН.

Биз Сизнинг манфаатларингиз йўлида Сизнинг ғояларингизни қабул қилиб оламиз ва уларни ҳаётга татбиқ этамиз.

Манзилимиз: 700027, Бешёғоч кўчаси, 6-уй (метронинг "Халқлар дўстлиги" бекати, "Кичкинтой" дўкони ёнида).

телефон: 45372 4 факс: 45372 4

НС

ОЛОВГА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Олдимизда қиличини яланғочлаб, қаҳратон қиш турибди. Бу мавсумни фақатгина энергетика вазирлиги, «Средазгазпром», «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаларига қарашли корхоналар ва ташкилотларгина эмас, балки бевосита республика аҳолиси ҳам пухта тайёргарлик билан кутиб олишлари зарур.

Қиш даврида фақат иситиш печкаларигина эмас, балки электр иситиш асбоблари ҳам ишга туширилиб юборилади. Ана шу асбобларнинг носозлиги туфайли шу йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистон шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган жойларда 6700 та ёнғин ҳодисаси рўй берди. Натижада фуқароларга умумий ҳажми 6.500.000 сўмлик зиён етказилди.

Электр ускуналари ва иситиш печкаларидан чиққан ёнғинлар умуман олганда 36,6 фоизни ташкил этган бўлса, моддий зарар ўтган йилдагига нисбатан тегишли равишда 51,2—85,1 фоизга ошди.

Иситиш печкалари туфайли содир бўлган ёнғинлар Сурхондарё вилоятида — 2,3 марта, Андижон вилоятида — 47,7 фоиз, Қашқадарё вилоятида — 71,7 фоиз, Самарқанд вилоятида — 30,7 фоиз, Тошкент вилоятида — 37,8 фоизга ортди. Бу ёнғинларда 171 киши ҳалок бўлди.

Қишки мавсумда турар жой бинолари ва фуқароларнинг уйларидаги ёнғин ҳодисалари билан боғлиқ ташвишли аҳволнинг сабаблари қуйидагилардир:

ҳамма уй эгалари ҳам носозликларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш мақсадида печкалар ва мўрконларни текшириш учун келган кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти ходимларини уй ичига киритавермайдилар;

электр-маиший ва газ асбоблари, телевизорлардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;

кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти ходимларининг мўрконлари ва шамоллатиш йўлларини текширишга бепарволарча муносабатда бўлиши ва газ асбобларини тўлиқ текширувдан ўтказмаганлиги.

Электр иситиш асбоблари ва иситиш печкаларининг қаровсиз қолдирилиши билан боғлиқ жуда кўплаб мисоллар фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга масъулиятсизлик блан ёндашув нималарга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади.

Шу йилнинг март ойида Ангрен шаҳрида яшовчи Бўрибоевлар хонадонида печканинг ҳаддан ташқари қизиб кетганлиги туфайли содир бўлган ёнғинда унинг икки қизи ва невараси нобуд бўлди.

Худди шундай ёнғин Каттақўрғон ноҳиясидаги Шукуровлар хонадонида ҳам юз берди ва бунда унинг учта фарзанди тутун ичида бўғилиб ҳалок бўлди.

Бундай фожеаларнинг олдини олиш учун эҳтиёт чораларига қатъий риоя қилиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига оғишмай амал қилиш, печкалар ва мўрконларни таъмирлаш, шунингдек, уларни қурумдан тозалаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш зарур.

ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

— дарз кетган ўтхоналарнинг эшиклари носоз, ёнғинга қарши туйнуги 38 см. дан кичик бўлган печкалар ва ўчоқлардан фойдаланиш;

печкаларни ўт олдириш учун бензин, керосин ва бошқа енгил алангаланувчан суюқликлардан фойдаланиш;

ёниб турган печкаларни, керосинли ва газ асбобларини назоратсиз қолдириш, шунингдек уларга қараб туришни кичик ёшдаги болаларга ишониб топшириш;

печкаларни ҳаддан ортиқ қиздириб юбориш, шунингдек, печка устида ва ортида ўтинлар ҳамда бошқа ёнувчан материалларни сақлаш;

иморатлар яқинига ўчмаган кўмир ва кул тўкиш;

битта электр розеткасига бир неча истеъмолчини улаш ва электр тармоғини муҳофазалаш учун қўлбола ҳимоя мосламасидан фойдаланиш;

телевизорни енгил алангаланувчи буюмлар яқинига ўрнатиш;

ишлаб турган телевизорни назоратсиз қолдириш.

Енгин чиққан ҳолларда дарҳол «01» телефони орқали ўт ўчирувчиларни чақириш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТЎХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 246.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.00 Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.